

СЎХДАГИ ЖЎШҚИН ҲАЁТ

ОДАМЛАР ҚАЛБИГА ШУКРОНАЛИК, ТУРМУШИДАН РОЗИЛИК ВА ИШОНЧ ҲИССИНИ ОЛИБ КИРМОҚДА

Пурвиқор тоғлар, тиниқ булоқлар, жўшқин сойлар, яшилликка бурканган хушманзара табиат — кўхна Сўхнинг ташриф қоғози. Фаргона вилояти марказидан қарийб 120 чақирим олисда, денгиз сатҳидан минг метр баландликда жойлашган қадим масканда ислохотлар ҳар бир оила ҳаёт тарзига кириб борди.



Сўхда бўлган киши нафақат унинг бетакор табиатидан, самимий ва танти одамларининг дилкаш суҳбати-ю илму маърифатга меҳридан ҳам баҳра олади. Гўшанинг бугунги кўринишини бундан олти-етти йил аввалгиси билан қиёслаб бўлмайди. Янги уйлар қурилмоқда, йўллар равон бўляпти. Сув ва

электр таъминотини яхшилаш, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш, тадбиркорлик ва хунаремдликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида йилларга татигулик ишлар амалга оширилди.

► Давоми 3-бетда

ИНСОН ВА КИШИЛИК ҚАДРИ

Янги Ўзбекистонда юритилаётган ички ва ташқи сиёсат 2016 йилгача бу борада тугилган йўлдан бутунлай бошқача ва мутлақо янгичалиги билан ажралиб туради. Президентимизнинг бошқарув маҳорати аслида 3000 йиллик миллий давлатчилигимизнинг энг кучли ва самаралари омилларига асосланади, десак тўғри бўлади.



Муносабат

Кўзланган мақсад ва вазифалар кўлами ҳам исботлаб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 2023 йил 9 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида, яъни Исроил — Фаластин муносабатлари кулролли тус олганидан бир ой ўтиб билдирган мана бу фикрларини эслашнинг жониз деб биламиз: “Глобал тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган Яқин Шарқдаги Фаластин-Исроил уруши барчамизда катта ташвиш уйғотмоқда. Минг афсуски, бу қонли низо оқибатида, аввало, тинч аҳоли вакиллари, айниқса, аёллар, болалар ва кексалар кўплаб қурбон бўлмоқда. Урушнинг минтақа бўйлаб ёйилиб кетиши хавфи тобора реал тус олмоқда... Фаластин халқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюциялари билан тасдиқланган ҳуқуққа, яъни ўзининг мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқига эга деган қатъий позициясини яна бир бор билдирамиз”.

Мустақиллик йилларида ташқи сиёсатда “сен менга тегма, мен сенга” йўлини тутиб,

► Давоми 2-бетда

“FINANCIAL TIMES” ГАЗЕТАСИ: ЎЗБЕКИСТОН ЎЗГАРИШЛАРНИ БОШДАН КЕЧИРАЁТГАН ДАВЛАТ СИФАТИДА УЗОҚ ЙЎЛНИ БОСИБ ЎТДИ

Британиянинг нуфузли “Financial Times” газетасида “Ўзбекистон ўзини юқори ўсиш салоҳиятига эга бозор сифатида кўрсатмоқда” сарлавҳали мақола эълон қилинди.

“Ўзбекистон ҳали кўп инвесторлар хари-тасида бўлмаса-да, 1,5 миллиард долларлик суверен евробондлар чиқарилиши, давлат активларини 1,7 миллиард долларга хусу-сийлаштириш режалари ва трансчегаравий финтех битими бу ўзгаришларга умид уйғот-моқда, — деб ёзилган мақола муқаддимаси-да. — Марказий Осиёнинг минтақадаги энг кўп аҳолига эга давлати инвестиция файлида аллақачон бир неча йилри келишув бор”.

Муаллиф таъкидлаш, чегара бозорлари ривожланган, бозорлар тугайдиган жой-да бошланади. Бу эса юқори ўсиш салоҳия-тини, балки жиддий хавфларни ҳам тақлиф қилади. Бундай мамлакатларда инвестиция ҳажми кичик бўлиб, хориж капитали учун санотни очиб кўпинча ҳали ҳам давом эт-моқда. Бироқ бундай бозорлар яқинда кучли кўрсаткичларни намойиш қилади.

“2016 йилгача халқаро миқёсда аяк-ланиб қолган Ўзбекистон бугунги воқе-ликдан яхши хабардор. Президент Шавкат Мирзиёев вазиятни бошқичма-бошқич ўзга-ртирмоқда. У ислохотлар ўтказмоқда, валюта чекловларини олиб ташламоқда”, дея ур-гуланган материалда.

Натижада Ўзбекистондаги вазият сези-ларли даражада яхшиланди. Тўғридан тўғри хорижий инвестиция кўпаймоқда, стартап-лар пайдо бўлмоқда. Утган ой Click тўлов иловаси сармоядорлари ўз акцияларининг бир қисmini қозғистонликларга тегишли маҳаллий банк акцияларига алмаштиришга

рози бўлди. Агар битим тартибга солувчи органлар томонидан тасдиқланса, Click ило-васи самарали равишда жисмоний банк хиз-матига эга бўлади.

Таъкидланганидек, хусусийлаштириш режа-лари улкан. Узоқ муддатли мақсад иқтисо-диётдаги хусусий сектор улушини ҳозирги тахминан 50 фоиздан 85 фоизга ошириш, 17 та давлат монополиясини ва бир қатор дав-лат корхоналарини тугатиш назарда тутилган.

“Бироқ булар аста-секин содир бўлади. 1,7 миллиард долларлик активлар халқаро бозорларга чиқарилади. Ўзбекистон Миллий инвестиция жамғармаси АҚШнинг “Franklin Templeton” компанияси томонидан бошқари-лади ва у Руминиянинг “Fondul Proprietatea” компанияси намунаси бўлиб, сўнгги беш йил ичида қиймати икки баравар ошди”, дейла-ди мабдада.

Шунингдек, Лондонда облигациялар чи-қарган дунёдаги тўртинчи йилри олтин ишлаб чиқарувчи “Навоий кон-металлургия комби-нати” ва Олмаўлик мис заводининг илк муваф-фақиятлари янги IPOга йўл очмоқда. АҚШ Давлат департаментига кўра, америкалик инвесторлар Ўзбекистонга тобора кўпроқ қи-зиқиш билдирмоқда.

Мақола “Ўзбекистон ўзгаришларни бошдан кечираётган давлат сифатида узоқ йўлни босиб ўтди” деган сўзлар билан аяунланган.

“Дунё” АА, Лондон шахри

ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ НИМАЛАР БИЛАН БАНД?



ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИГА ХАВФ ЙЎҚ

Шу кунларда аксарият ижтимоий тармоқ фаоллари “Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳаси доирасида табиатга етказилиши мумкин бўлган эҳтимолий зарар ҳақида хавотирларини билдирмоқда. Уларнинг табиатга, Чорвоқ сув омбори мисолида ўз келажаги, Ватан тақдирига дахлдорлигини эътироф этган ҳолда, юртимиз ҳайвонот дунёсига масъул ходим ўлароқ айни мавзуга доир бир жихатни айтишни лозим топдим.



Нуқтаи назар



Бўстонлик туманининг Чорвоқ сув омбори ҳудудида дам олиш мажмуаси-ни барпо этиш учун мўлжалланган ер умуртқали ҳайвонларнинг ноёб, эндемик ёки муҳофаза қилинадиган турлари яша-диган муҳим жой эмас.

Шу ўринда Чорвоқ сув омбори тари-хига бир назар солсак. Пойтахтимиз аҳо-лисининг асосий ичимлик сув захираси ҳисобланган мажзу сув омбори 1963-1970

йилларда қурилган. Асосий мақсад Чирчиқ дарёси юқори қисмини тўсиб, атроф-даги ҳудудларни бир меъёрга сугориш ва аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, шунингдек, гидроэнергетика учун қулай шароит яратишдан иборат бўлган.

Ушбу сув омбори Тошкент вилояти қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Сув омборига Пском, Кўксув, Чотқол каби тоғ дарёларининг суви қуйилади. Сув юзаси-нинг майдони 40,1 километр квадрат, эни

► Давоми 2-бетда

2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили

“Яшил иқтисодиёт” — КЕЛАЖАК ЭМАС, БУГУННИНГ ЗАРУРАТИ

Дунё глобал экологик ва энергетик инқирозлар, иқлим ўзгариши, табиий ресурслар танқислиги ва ифлосланиш каби жиддий хатарлар қаршисида турибди. Бундай шароитда анъанавий иқтисодий моделлар ўзини оқламай қўйди. Бу муаммоларга ечим сифатида илгари сурилаётган “яшил иқтисодиёт” ва “яшил” энергетика нафақат иқлим мувозанатини сақлаш, балки инсониятнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик барқарор ривожланишига хизмат қиладиган ягона йўлга айланди.



Боиси, сўнгги ўн йилликларда глобал иқлим ҳароратининг ортishi, кургоқчи-ликлар, сув танқислиги, ҳаво ва тупроқ ифлосланиши каби экологик муаммолар нафақат атроф-муҳитга, балки инсон са-ломатлигига, озик-овқат хавфсизлигига ва иқтисодий барқарорликка ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда анъанавий иқтисодий модель, яъни кўп ресурс сарфлаш, кўп чиқинди чиқариш ва атроф-муҳитга зарар етказиш орқали ўсишга эришиш усули эскирди, ўзини оқламай қолди.

“Яшил иқтисодиёт” эса бу муам-моларга ечим сифатида илгари сурил-моқда. Унинг моҳияти энергия ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни камайтириш, иқлимга салбий таъсирни пасайтириш ва шу орқали иқтисодий ўсиш билан бирга экологик хавфсизликни ҳам таъминлаш-дир. Бундай ёндашувда инсон, табиат ва иқтисодий манфаатлар ўзаро уйғунлик-да ривожланади.

► Давоми 4-бетда



2025 йил 16 август, 167-сон

ЖАРАЁН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ИНСОН ВА КИШИЛИК ҚАДРИ

Бошланиши 1-бетда

Негаки олам зўравонлари туфайли ўз юртини ташлаб, бошлари оққан томонга интилаётганларни халқаро муомалада қочқинлар ўлароқ ифодалаш аллақачон сингдириб бўлинган. БМТга кўра, ҳозирда бундайларнинг сони 120 миллиондан ортиб кетган. Оғизнинг бир чеккасидан чиқиб кетадиган ушбу сон ортидаги фожиаларни ҳар ким ҳам тасаввур қилолмаса керак. Уларнинг ёмоғи, ичмоғи, соғлиғи, таълими, бандлиги, туғилмоғио ўлмоғи билан боғлиқ кўплаб омиллар борлигини кўз ўнгимизга келтириб кўрайлик!

Кимдир, ҳа энди, илгари замонларда ҳам, масалан, Иккинчи жаҳон уруши пайтида қачандан қанча одамга бошпана берганмиз, дейиши мумкин. Тўғри, саксон йиллар бурун юртимиз 1,5 миллион киши, жумладан, 250 мингдан ортиқ болани қабул қилгани, халқимиз ўзи емай, уларга едиргани, ўзи киймай, уларга кийдиргани, уларга ўзи уйининг тўридан кўноқ бергани ҳам тарихий ҳақиқат. 1932-1933 йилларда кузатилган очарчи-



Азамат ЗИЁ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
ФА Тарих институти
директори, академик

лик пайтида ҳам биз томонларга қочиб келган миллионга яқин кишининг қорнини тўйдирганимиз — ўлимдан сақлаб қолганимиз ҳам бор гап. Бироқ ўша замон ва тузум сиёсий тақозоси

Муносабат

ўлароқ ва бизга боғлиқ бўлмаган тарзда юз берган мазкур ишлар бизга ўта қимматга тушганини ҳам айтидиган фурсат келди деб ишонамиз.

Шу маънода, фаластинлик биродарларимизга нисбатан кўрсатилажак бағрикенглигимизнинг ўта муҳим жиҳатига диққатни қаратган бўлардик. У ҳам бўлса, меҳмонларнинг юртимизда яшаши ҳеч биримизга оғирлик қилмайдиган. Бутун ташкилий ва молиявий масалаларни давлатимиз ўз зиммасига олмоқда. Бунинг исботини эса фармоннинг тўққиз бўлимида белгиланган чора-тадбирлар — меҳмонлар ижтимоийлашуви, бизнинг турмушимизга киришиб кетиши, уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш, ижтимоий хизмат ва ёрдамлар билан қамраб олиш, соғлигини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, фарзандларини таълимга жалб қилиш, “Маҳалла еттилиги”нинг меҳмонлар билан ишлашни ташкил этиш, ҳар қандай давлат ҳам журъат этолмайдиган ушбу жараёни молиялаштириш ва фармон ижросини таъминлаш кабилар ҳам кўрсатиб турибди.

Демак, давлатимиз ўз фуқароларига нимани раво кўрса, фаластинликларга ҳам худди шу муносабат ва масъулиятда бўлмоқда. Ўз юртдошлари

қадрини қанчалар эъозласа, фаластинликлар қадрини ҳам ўрнига қўймоқда. Президентимизнинг ўзгаларга бошпана бериш сиёсатининг бошқа давлатларда қочқинларга нисбатан ёндашувлардан туб фарқи ҳам мана шунда деб биламиз. Яъни юртимиздаги инсон қадри сиёсати халқаро даражада кишилиқ қадрига етишда намоён бўлмоқда!

Фаластинликлар Ўзбекистон шарт-шароитларига кўникиб, жамиятимизга киришиб кетишига ишончимиз комил. Юртимиз араб миллатига мансуб қатламларга илгари ҳам бошпана бўлганига оид тарихий далиллар бор. Узоққа бормай, Қарши шаҳридаги Абу Убайда ибн Жарроҳ мақбарасини олайлик.

Абу Убайда ибн Жарроҳ (583-639) пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг энг яқинларидан, тириклигида жаннат башорат қилинган ўн саҳобадан бири бўлиб, ислом динини ёйишда жонбозлик қилган. Айниқса, Қуддус аҳлининг мусулмончилиқни қабул қилишида унинг хизматлари юқори баҳоланади.

Шомни эзлаган Амир Темур бобомиз Абу Убайда ибн Жарроҳнинг Дайралдаги (ҳозир Ўрдун худудида) қабрини зиёрат қилган ва ундан тупроқ олдириб, Қаршига юбортирган ва рамзий мақбара ҳам қурдирган. Мана, олти юз йилдан бери жуда кўплаб мусулмонлар, жумладан, туронлик араблар учун ҳам зиёратгоҳга айланган ушбу ёдгорлик фаластинлик меҳмонларимиз учун ҳам муқаддас манзил бўлиши борасида иккиланмаймиз.


УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Яхшилар ёди

РУСТАМ ҚОСИМОВ ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА

Яқинда
“Ўзбекистон”
нашриётида
таниқли давлат ва
жамоат арбоби,
моҳир педагог
ва дипломат
Рустам Қосимов
хотирасига
бағишланган
“Рустам Қосимов
замондошлари
хотирасида” китоби
нашр этилди.



Китоб Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг: “Рустам Собирович Қосимов илм-маърифатли, миллатимизнинг том маънодаги етук зиёлиси эди. Қаерда, қайси вазифа ва лавозимда бўлмасин, у ҳаминша ўзининг бор билим ва тажрибаси, куч-қувват ва салоҳиятини эл-юртимиз манфаати учун сафарбар этиб яшадиган... Йиллар ўтди, лекин Рустам Қосимовдек Ватанга садоқатли ва фидойи, қалби пок инсонларни халқимиз ҳеч қачон унутмайди”, деган самимий сўзлари билан бошланади.

Агар ҳаёт бўлганида Рустам Қосимов бу йил табарарку 70 ёшни қаршилар эди. Ушбу қўтлуг сана арафасида тайёрланган мазкур тўпلامдан ўрин олган, таниқли давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат намояндлари, сенатор ва депутатлар, шоир ва адиблар, олимнинг яқин дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдларининг ёдномаларида Рустам Қосимовнинг ибратли умр йўли, самарали ижтимоий фаолияти, бетакрор инсоний фазилатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Турсунали Қўзиев, академиклар Шухрат Сирожидинов, Нурислом Тўхлиев, муфтий, шайх Нуриддин Холиқназар, тарих фанлари докторлари Баҳром Абдуҳалимов, Жаннат Исмоилова, Шовосил Зийдов ва бошқалар қаламига мансуб хотираномаларда Рустам Собировичнинг юксак инсоний фазилатлари, юртга, Ватанга муҳаббати, талабчан ва жонкуяр устоз-мураббий сифатида ўнлаб шогирдларига кўрсатган меҳр-эътибори ҳамда ғамхўрликлари ёрқин ҳаётини воқеалар мисолида очиб берилади.

Умуман, тўпلامдаги ҳар бир мақола китоб қаҳрамонининг сермазмун ҳаёт йўлини, у камолга етган оилавий ва ижтимоий-маънавий муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини атрафчилик ақс эттириши билан катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Эл манфаати, юрт равнақи учун фидойилик кўрсатган инсонларнинг хайрли амаллари, нурли хотиралари улар дунёдан ўтгандан кейин ҳам миннатдор қалбларда безавол яшайди.

Ўйлаймизки, чуқур самимият ва эҳтиром билан битилган мазкур китоб билан танишган ҳар бир ўқувчи бу сўзларнинг ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилади.

Ўз мухбиримиз



Бахтиёр ХОЛМАТОВ,
Фанлар академияси
Зоология институти
директори, биология фанлари
доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Бу ҳудуднинг замонавий фаунаси асосан тулки, чиябўри, ўрмон олмахони, шунингдек, турли қўшлар, майда кемирувчилар ҳамда умуртқасизларнинг кенг тарқалган ва антропоген таъсирларга мослашган турлари билан ифодаланади. Юқори даражада ихтисослашган, ноёб ва тор доирадаги турлар учурамаслигини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, агар лойиҳа доирасидаги қурилиш ишлари ҳайвонларнинг кўпайиш давридан ташқари — баҳор ва ёз фасли бошларида бажарилса, бу турлар яшаш муҳитига ўхшаш атрофдаги ҳудудларга мустақил кўчиб ўтиши мумкин.



“Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳалаштирилган ҳудудга туташган сув омборининг қирғоқ зонаси аллақачон сезиларли антропоген ўзгаришларни бошдан кечирган, яъни зич ривожланиш, марказлашган сув оқова тизими йўқлиги, сув зонасининг кичик ўлчамдаги сув транспорти билан мунтазам ифлосланиши каби жараёнлар кузатишмоқда. Шу билан бирга, капитал қурилиш объектларининг ҳар бирини лойиҳалашда биоҳилма-хилликка салбий таъсирларни дастлабки баҳолаш, шунингдек, улардан фойдаланиш жараёнида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чоралари мавжудлиги ва риюз этилиши тўғрисида умумий маълумотлар йўқ.

Халқаро амалиёт ва Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция тавсиялари, шунингдек, миллий экологик қонунчилик бўйича мажбуриятларга кўра, қирғоқбўйи еки экологик жиҳатдан таъсирчан ҳудудларда ҳар қандай қурилиш

ишларини бошладан олдин лойиҳанинг атроф-муҳитга, хусусан, биологик хилма-хилликка таъсирини баҳолаш талаб қилинади. Бундай баҳолаш натижаларига кўра, атроф-муҳитга салбий таъсирни минималлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши керак.

Жумладан, қурилишдан олдин халқаро ва маҳаллий даражадаги экспертлар томонидан биологик хилма-хиллик ҳолатини баҳолаш, мажмуа ишга туширилгандан сўнг биологик хилма-хиллик мониторингини мунтазам юритиш ва салбий таъсирларни юмшатиш чораларини кўриш, оқова сувни тозалаш тизимини ўрнатиш ва ундан самарали фойдаланиш зарур. Шунингдек, маҳаллий фауна аъзоларининг кўпайиш фаслини ҳисобга олган ҳолда қурилиш жараёнини режалаштириш, ёввойи ҳайвонлар кўчиши ва яшаш муҳитини таъминлаш бўйича табиий ландшафт элементларидан фойдаланган

ҳолда “яшил йўлақлар” ва бошқа амалий чора-тадбирлар кўриш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, компенсация чоралари доирасида белгиланган дархат ва буталарни экиш жараёни ихтисослаштирилган илмий муассасалар ва маҳаллий ботаник олимлар билан келишилган ҳолда бажарилиши тавсия этилади. Экиладиган дархатлар тури табиий қирғоқ тузилиши ва функцияларини сақлашни ҳисобга олган ҳолда минтақа шароитига мослаштирилган бўлиши керак.

Ушбу лойиҳани амалга оширишнинг оптимал стратегияси экологик жиҳатдан интеграцияланган ёндашувдир. У биотик алоқалар ва экотизимлар яхлитлигини минимал даражада ўзгартирган ҳолда табиий ландшафтларга ривожланиш элементларини уйғунлаштиради. Фақат шу йўл билан қирғоқ ҳудуди ривожланишининг барқарорлиги ва экологик хавфсизлиги таъминланиши мумкин.

“Инсон қадри учун” ғояси асосида кечаётган янгиланиш жараёнларида юртдошларимизга қўлайлик яратиш энг устувор вазифалардан бирига айланди. Ушбу мақсадга эришишда барча соҳа ва тармоқларни рақамлаштириш борасидаги ишларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.



Низомиддин ЭРНАЗАРОВ,
Судьялар олий мактаби
девоҳхона мудири

чиллик ва “ўзиники” деган тушунчаларни суд тизимидан батамом чиқариб ташлаш. Ишларни компьютер томонидан автоматик тақсимлаш механизми бу борадаги энг муҳим инструмент ҳисобланади. Негаки ҳеч бир инсон аралашувисиз, фақат тизим орқали ишни судьяга бириктириш тарафлар ўртасида ишончни мустаҳкамлайди.

Судлардаги яна бир янги босқич — сунъий интеллект технологияларини жорий этиш. Ушбу технология инсоннинг ўрнини босмайди, балки унга ёрдамчи вазифасини бажаради. Сунъий интеллект олдинги суд қарорлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқий амалиёт ва прецедентларни таҳлил қилиб, судьяга ҳуқуқий асослар асосида тавсиялар беради.

Масалан, судья мурожаат этилган иш бўйича қарори лойиҳасини тайёрлар экан, сунъий интеллект тегишли қонун нормаларини, ўхшаш ҳолатлардаги аввалги қарорларни, айрим ҳуқуқий ҳулосаларни автоматик равишда тақлиф қилиши мумкин. Бу эса судьяни хато қарор чиқариш эҳтимолидан сақлайди, лекин қарор қабул қилиш воқолати ҳали ҳам инсонда қолади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси

РАҚАМЛИ СУД

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ СУД ҚАРОРЛАРИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҚИЛМОҚДА?

Калифорния университети профессори, ҳуқуқ ва технология соҳасидаги мутахассис Даниэль Мартин Катз бу ҳақда “Сунъий интеллект инсоннинг ўрнини босмайди. У инсон қарорларини яхшилайдиган. У нафақат тезкорлик, балки тизимлилик ва холисликни таъминлашда катта ёрдамчи ҳисобланади”, дейди.

Сунъий интеллектни суд тизимига жорий қилишда мутахассислар турли фикрлар билдирмоқда. Айрим олимлар сунъий интеллектга ҳаддан ташқари суяниш инсон шаъни ва ҳуқуқлари учун хавфли бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Масалан, европалик экспертлар муайян ишни фақат алгоритм қарорга келтиришига қаршилик билдиради.

Шунинг учун Ўзбекистондаги ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Сунъий интеллект қарор чиқармайди, балки қарор қабул қилишда асос бўла оладиган маълумот ва таҳлилларни тақдим этади.

Ҳар йили Ўзбекистонда ўртача 1,5 миллионга яқин суд иши кўрилади. Бу ҳар кун миңлаб фуқаролар, юристлар, судьялар, гувоҳлар ва бошқа иштирокчилар суд жараёнида иштирок этади дегани. Шунча микдордаги ишни фақат инсон ресурслари орқали самарали бошқариш қон суйини қийинлаштириб бормоқда. Иш ҳажми кескин ошиши, мурожаатлар кўлами кенгайиши ва юклама даражаси ўсиши суд тизимини рақамлаштиришни



шунчаки ислоҳ эмас, балки ташкилотчилик, тезкорлик, адолат тамойилларини таъминлаш ҳамда давлат бюджетига аниқ фойда келтирадиган зарурат сифатида кўрсатмоқда.

Шу тўғрйли сўнги йилларда автоматлаштириш, сунъий интеллект ва рақамли технологияларни суд тизимига жорий этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу технологиялар нафақат судларнинг юқини енгиллаштирмоқда, балки

иш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштирмоқда. Энг муҳими, фуқаролар учун шаффоф муҳит яратитти.

Судьялар олий мактаби ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бу масалалар очик муҳокама қилинди. Ўзбекистонлик ва хорижлик мутахассислар, олимлар ва суд тизими вакиллари сунъий интеллект ёрдамида қандай адолатга эришиши мумкинлиги ҳақида фикр алмашди. Очик айтиш керак, бу соҳада

бошланган ислохотлар жиддий ва қатъий, лекин муаммолар борлигини ҳам тан олиш лозим.

Рақамлаштириш сўзда жозибали, амалда эса жиддий тайёргарлик, тизимли ёндашув ва барча иштирокчиларнинг ҳамжиҳатлигини талаб қиладиган узоқ ва мураккаб жараёндир. Суд тизимини рақамли шаклга ўтказиш фақат техника алмаштириш эмас, балки бутун ҳуқуқий маданиятни, муносабатлар ва ташкилотчиликни ўзгартириш демакдир. Шу сабабли бу жараёнда ҳам имкониятлар, ҳам муаммолар мавжуд.

Бугунги кунда ҳамма жойда ҳам интернет тезлиги юқори эмас. Хусусан, олис ҳудудларда, кичик туман ва қишлоқларда суд биноларида замонавий техника ва барқарор интернет алоқаси ҳали мактаблар даражада етмади. Бу эса масофавий суд мажлислари, электрон ариза юбориш ва онлайн кузатув тизимларини тўлиқ ишлатишда жиддий тўсиқ бўлмоқда. Судлар техник жиҳатдан тўлиқ таъминланмас экан, рақамлаштириш амалиётда тўлиқ ҳаётга татбиқ этилмайди.

Янги тизимга фақат техника билан эмас, балки одамлар орқали ўтилади. Ҳар бир судья, котиб, ҳодим замонавий платформалар, электрон ҳужжат айланмаси ва сунъий интеллект билан ишлаш кўникмасига эга бўлиши керак. Афсуски, барча ҳодимлар ҳам технологияни бирдек яхши билмайди. Айни мақсадда доимий ўқувлар, амалий тренинглар ташкил этилаётгани эса кадрлар салоҳиятини замон талабларига мос даражада оширишга замин яратмоқда.

Энг катта савол — сунъий интеллект чиқарган ҳулоса ва тавсиялар қандай мақомга эга? Ҳозир сунъий интеллект фақат ёрдамчи вазифани бажаради, лекин унинг тавсиялари суд қарорларига қандай таъсир қилмоқда? Бу ҳали аниқ тартибга солинмаган. Ҳулоса ҳақиқий ҳуқуқий асос бўладими — бу борада қонунчиликда етарлилик аниқлик йўқ. Аслида, сунъий интеллект инсонга ёрдам беради. У суд тизимини тезкор, очик, халққа яқин қилиши мумкин. Лекин бунинг учун нафақат техника, балки тайёргарлик, ўқув, қонун, тушуниш ва энг муҳими, ишонч керак.

Судлар фаолиятини рақамлаштириш, соҳага сунъий интеллект технологияларини жорий этиш фақат компьютерлаштирилган тизим эмас, бу адолатни ҳар бир фуқарога етказиш учун яратилаётган янги майдондир.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАР ЙЎЛИ

БИЗ УЧУН ЯККАЮ ЯГОНА ВА ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛДИР



Мухтабар ХУСАНОВА,
юридик фанлар номзоди

Айниқса, ҳуқуқий сиёсатимизда демократик кадрлар, инсонларварлик аъналарига мос механизмлар яққол акс этипти. Инсон қадр, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, минтақамизда яхши қўшнчилик алоқаларини янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Ватанамизнинг халқаро миқёсдаги обрў-этиборини юксалтиришда янгилашган Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинаётган қонунчиликнинг ҳуқуқий таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Янги Ўзбекистон ислохотлари шароитида ҳуқуқий давлат тамойилларига риоя этилиши барчанинг қонуни олдига тенглигини, инсонларнинг қонунига ҳурмат руҳида яшашини таъминлаш билан бирга, жамиятда ҳуқуқий маданият юксалишига замин яратмоқда. Zero, ҳуқуқий давлат билан узвий ривожланидиган адолатли жамиятни коррупцияга муросасиз, ижтимоий фаол ҳуқуқий маданият одамларига шакллантиради ва ривожлантиради.

Бош қонунимизда мустақамланган ижтимоий давлат мақоми эса бундан буюн давлатнинг устувор сиёсати ижтимоий ҳимояланмаган ёки эҳтиёжманда қатлами қўлаб-қувватлашга, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатишга, имтиёзларни адолатли тақсимлаш орқали муносиб турмуш шароитини яратишга, энг асосийси, бутун жамият фаровонлигини юксалтиришга қаратилишидан далолат беради.

Жамиятнинг авваллари кўпичча босди-босди қилинадиган, давлат дастурлари, миллий ва халқаро маърузаларда тилга олинмай кетиладиган орғиқчи муаммолари кейинги йилларда атрофича таҳлил этилиб, ҳал этишнинг аниқ тизими ечимлари ишлаб чиқилаётгани ҳамда босқичма-босқич таълим соҳасига солиналган ҳар қандай инсонни қувонтиради.

Дунё тараққиёти таҳлилларига кўра, иқтисодиётнинг барча тармоқларида аёлларнинг эркаклар билан тенг иштироки таъминланса, жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳажми 26 фоиз ўсари. Шу маънода, жаҳон миқёсида аёл депутатлар улуши 1995 йилдаги 11,3 фоиздан жорий йилга келиб, 27,2 фоизга етганини ижобий ҳолат сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Айниқса, мамлакатимизда жамият бошқарувида аёллар фаоллигини қўлаб-қувватлаш бўйича таъсирчан чоралар ёрдамида қисқа вақт мобайнида салмоқли натижаларга эришилаётгани қувонарлиқдир.

Хусусан, юқори ва қуйи тизимдаги давлат органларининг раҳбарлик лавозимларига хотин-қизларни тайинлаш амалиёти кенгайтирилгани, парламент ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайлов жараёнида сиёсий партиялар томонидан кўрсатиладиган номзодларнинг камида қирқ фоизини хотин-қизлар ташкил этиши юртимизда уларни қўлаб-қувватлаш, жамиятдаги ўрнини мустақамлаш, давлат ҳокимиятидаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўтган йилги сайлов натижаларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 38 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Бу Ўзбекистон тарихида энг юқори кўрсаткич.

Маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларнинг 32,6 фоизини хотин-қизлар экани ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Хар йили миллий истиқлолимиз тантанаси — мустақиллик байрами яқинлашгани сари ватандошларимиз кўнглидаги фахр туйғуси, ифтихор ҳисси янада баланд, ўзгача жўш уради. Zero, сўнгги йилларда қатъий ирода, кучли азму шижоат билан кечаётган ислохотлар натижасида халқимизнинг турмуш тарзи, дунёқараши, ҳаёт сифати сезиларли равишда ошиб бормоқда.

Мумкин”, деганди. Шу мақсадда янгилашган Конституцияда “Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат” экани мустақамланди. Бу орқали давлат ўз фаолияти, жамият ва фуқароларнинг яшаш тарзини фақат Конституция ва қонунлар асосидигина амалга ошириши, давлат органлари ва мансабдор шахслар қонуни устуворлиги асосида халқ манфаатлари учун ишлаши, унга хизмат қилишининг ҳуқуқий қафолати белгиланди.

Янги Ўзбекистон ислохотлари шароитида ҳуқуқий давлат тамойилларига риоя этилиши барчанинг қонуни олдига тенглигини, инсонларнинг қонунига ҳурмат руҳида яшашини таъминлаш билан бирга, жамиятда ҳуқуқий маданият юксалишига замин яратмоқда. Zero, ҳуқуқий давлат билан узвий ривожланидиган адолатли жамиятни коррупцияга муросасиз, ижтимоий фаол ҳуқуқий маданият одамларига шакллантиради ва ривожлантиради.

Бош қонунимизда мустақамланган ижтимоий давлат мақоми эса бундан буюн давлатнинг устувор сиёсати ижтимоий ҳимояланмаган ёки эҳтиёжманда қатлами қўлаб-қувватлашга, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатишга, имтиёзларни адолатли тақсимлаш орқали муносиб турмуш шароитини яратишга, энг асосийси, бутун жамият фаровонлигини юксалтиришга қаратилишидан далолат беради.

Жамиятнинг авваллари кўпичча босди-босди қилинадиган, давлат дастурлари, миллий ва халқаро маърузаларда тилга олинмай кетиладиган орғиқчи муаммолари кейинги йилларда атрофича таҳлил этилиб, ҳал этишнинг аниқ тизими ечимлари ишлаб чиқилаётгани ҳамда босқичма-босқич таълим соҳасига солиналган ҳар қандай инсонни қувонтиради.

Дунё тараққиёти таҳлилларига кўра, иқтисодиётнинг барча тармоқларида аёлларнинг эркаклар билан тенг иштироки таъминланса, жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳажми 26 фоиз ўсари. Шу маънода, жаҳон миқёсида аёл депутатлар улуши 1995 йилдаги 11,3 фоиздан жорий йилга келиб, 27,2 фоизга етганини ижобий ҳолат сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Айниқса, мамлакатимизда жамият бошқарувида аёллар фаоллигини қўлаб-қувватлаш бўйича таъсирчан чоралар ёрдамида қисқа вақт мобайнида салмоқли натижаларга эришилаётгани қувонарлиқдир.

Хусусан, юқори ва қуйи тизимдаги давлат органларининг раҳбарлик лавозимларига хотин-қизларни тайинлаш амалиёти кенгайтирилгани, парламент ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайлов жараёнида сиёсий партиялар томонидан кўрсатиладиган номзодларнинг камида қирқ фоизини хотин-қизлар ташкил этиши юртимизда уларни қўлаб-қувватлаш, жамиятдаги ўрнини мустақамлаш, давлат ҳокимиятидаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўтган йилги сайлов натижаларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 38 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Бу Ўзбекистон тарихида энг юқори кўрсаткич.

Маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларнинг 32,6 фоизини хотин-қизлар экани ҳам алоҳида аҳамиятга эга.



Тўртинчидан, сайлов ҳуқуқига эга, юз минг нафардан кам бўлмаган фуқаро қонуничилик тақлифларини қонуничилик ташаббуси тартибидо Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қиритишга ҳақли экани конституциявий тарзда белгиланди. Таҳлиллар кўрсатадики, фуқаролардан келиб тушаётган тақлифлар, асосан, ижтимоий ҳаётда бевосита қўлланиладиган ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ. Бу эса жамиятда ҳуқуқий тартибга солиниши зарур бўлган энг ўқир ва тизимли муаммоларни “жамият — ислохотлар ташаббускори” тамойили асосида ҳал қилиш, ҳуқуқий бўшлиқларни барқарар этишда муҳим ўрин тутади. Қолаверса, мазкур тақлифлар парламент аъзолари учун ҳам қонуни ижодкорлигини самарали амалга ошириш, пировадига халққчи қонуналар қабул қилинишида долзарб аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва халқчил ҳуқуқий давлатчилик сиёсати натижаларини нафақат миллий мутахассислар, балки хорижийлик экспертлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам эътироф этипти. Ўз навбатида, эришяётган натижаларимиз Ўзбекистоннинг “Ҳуқуқ устуворлиги индекси”, “Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси” каби халқаро нуфузли рейтинглардаги ўрни яхшилаётганини мисолида тасдиқини топтоқда.

Давлатимиз раҳбари 2022 йили конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда “**Фақат ҳуқуқий давлат шароитидагина инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қимматини тўлиқ таъминлаш, том маънода халқпарвар бошқарув тизимини шакллантириш**

Сўнгги йилларда хотин-қизлар масалалари нафақат мамлакатимиз, балки халқаро нуфузли ташкилотлар плаг-формалари доирасида ҳам очик ва конструктив муҳокама қилиниб, дадил ташаббуслар илгари суриляётир. Айниқса, юртимизда БМТ институтлари ва Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорликда Осн хотин-қизлар форуми ва Жаҳон парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити самарали ўтказилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда қузатувларим асосидаги бир мулоҳазамни билдиришни лозим топдим. Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш борасидаги ислохотлар тўғрйли зиёли, илғор фикрлайдиган, жамиятдаги ўзгаришларда фаол, билимли ва чеппон ёшларни тарбиялайдиган миллат оналари қатлами шаклланаётгани, ҳар бир хонадонда оиланинг маънавий муҳитини юксалтирувчи салохияти аёллар сафи кенгаёётгани, оқила, ориятли ва шижоатли қизлар ўсаётгани қалбни руҳлантиради.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, янги Ўзбекистон тараққиётининг бутунги босқичида миллий давлатчилик руҳи яққол намоён бўлмоқда. Аҳолининг бутунги яшаётган қунидан розилигига эришилаётгани тисмолсида юрдошларимизнинг давлатга ишончи мустақамланган бормоқда. Zero, Президентимиз таъкидлаганидек, “**Демократик ислохотлар йўли — биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўл**”. Ҳозирги ислохотларга ҳамма-ми бир хилда “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғоя асосида ҳаракат қилсақкина, қўзланган катта мақсадларга, албатта, эришамиз.



СЎҲДАГИ ЖЎШҚИН ҲАЁТ

ОДАМЛАР ҚАЛБИГА ШҲКРОНАЛИК, ТУРМУШИДАН РОЗИЛИК ВА ИШОНЧ ҲИССИНИ ОЛИБ КИРМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Хар куни бир ўзгариш, янгиликлар бўй кўрсатмоқда, ташаббуслар қулоқ ёзипти. Бу бежиз эмас, албатта. Президентимизнинг “2020-2021 йилларда Фаргона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ижроси доирасида бошланган ислохотлар ҳудудда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, мавжуд хомашё ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш имкониятини берди. Туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари кўлами кенгайди. Жорий йилнинг ўзида 1388 та макро ва микролоиҳа учун 1 триллион 587 миллиард сўм сарфланиб, 5804 та янги иш ўрни яратилди.

Энг муҳими, қишлоқларга саноат кириб бормоқда. Мавжуд хомашёни қайта ишлаш асносида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт қилиш имкониятларимиз кенгайди, — дейди туман ҳокими Сайидбаҳром Сайидму-саев. — Хусусан, тўғридан тўғри инвестиция ва хорижий кредитларни ўзлаштириш ҳисобига умумий қиймати 62,6 миллион доллар бўлган 29 та лойиҳа амалга оширилди. Россиялик инвесторлар ҳамкорлигида мрамар ишлаб чиқариш, капсулни ёғоч уйлар қуриш, санаторий ва туризм тармоқлари ташкил этиш, хитойлик тадбиркорлар билан микро ГЭСлар барпо этиш ва бошқа йўналишларда 44 миллион доллар қийматдаги инвестиция битими ва экспорт шартномалари имзоланди.

2025 йилда 16,1 миллион долларлик саноат ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинади. Бу аввалги йиллардагига нисбатан 190 фоиз кўп.

Сўҳда ер ости қонлиридан фойдаланиш борасида янги лойиҳаларни амалга оширишга киришилди. Шу кунга қадар бу имкониятлардан мақсадли фойдаланилмаган. Бутун иш тизимлари ўзгариб, энди хомашё эмас, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами ошди. “Ўзсаноатматериаллари” МЧЖ, “Қальча” маҳалла фуқаролар йигини Жапония массивидagi травертин қонлида пардозоб тошлар ишлаб чиқариш лойиҳаси бошланди. Умумий қиймати 6 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида электр тармоғи тортиш, сув мембранаси қуриш, қонни очши ишлари жадаллик билан олиб борилмақда. “Арслон экспресс инвест” МЧЖ “Девайрон” МФЙда, “Sux smart IT” МЧЖ “Сариканда” МФЙда 4,5 миллион долларлик микро ГЭСлар қуриш бўйича ишлаяпти.

Жавпоя — инсон қўли билан яратилган мўъжиза

Жавпоя массиви туман ижтимоий тараққиётида муҳим ўрин тутади. Асрлар давомида эътибордан четда, қаровсиз бўлган бу ерлар бутунга келиб яшилликка бурканди, янги мевали боғлар бўй кўрсатди.

Адирик пастидан Қальча ариги оқиб ўтган. Аммо ундан сув олиш ушамас оруз эди. Сўх дарёсидан 223 метр баландиққа сув чиқарилиб, Жавпоя обиҳаёт билан таъминланди. Бу ерда секундига 200 литр сув тортиш қувватига эга 5 та насос ўрнатилди. Натижада 1000 гектар ерни фойдаланишга қиритиш имконияти яратилди. Дастлабки босқичда 230 гектар майдонга интенсив усулда ўрикзор боғлар барпо этилиб, 50 сотихдан лотларга ажратилди ва кооперация асосида аҳолига бўлиб берилди.

— Бир неча йил оилам, яқинларимдан узоқда ишлаб, тирикчилик қилишга мажбур бўлганман, — дейди Тул маҳалласида яшовчи Хурсандили Йўлдошев. — Менга меҳнат мигранти сифатида 50 сотих тайёр боғ беришганди. Бу йил кўчатлар ҳосилга кириб, оилавий даромадимиз ошди. Кўчатлар оралиғига полиз, картошка эдик. Яқин кунларда ҳосил йиғишни бошлаймиз.

Икки йил олдин тиканзор бўлган бу ҳудуд сўхлик меҳнаткаш ва фидойи инсонлар саъй-ҳаракати билан кўзни қувонтирадиган, обод ва файзли масканга айлан-ди. “Сўх келажақ бунёдкори” ишлаб чиқариш кооперати-ви негизига ташкил этилган интенсив ўрикзорлар барқ уриб ўсмоқда. Ер эгалари малакали агроном ва иррига-торлар хизматидан фойдаланмоқда.

Экинларни томчилатиб сугориш тизими жорий этилди. Бу мақсадлар учун сичими 32 минг куб литр бўлган суный сув ҳавзаси қурилди. Мажмуа ҳар қандай об-хаво шароитида ҳудуддаги экинларни мунтазам обиҳаёт билан таъминлаш, сув сарфини 65 фоизгача тежам имкониятини бермоқда. Истиқболли лойиҳалар дастурига кўра, ҳудудда 200 гектарда малина, 500 гектарда картошка, 300 гектарда эса полиз экинлари етиштириш кўзда тутилган.

Сўхнинг “қизил олтин”и

“Сўх шафран” кооперативи томонидан доривор заъфарон етиштириш, гулини териб саралаш ва экспортга қи-яриш йўлига қўйилди.

Беш гектар майдонда парваршиланаётган заъфарондан ўтган йили 20 килодан ортиқ ҳосил олинган бўлса, бу йил 50-60 кило қимматбаҳо хомашё йиғиб олиш режалаштирилмоқда. Саралаб тайёрланган маҳсулот ички ва ташқи бозорга қиқарилляпти. Яқин кунларда “Сўх шафран” бренди остида Қувайт ва Эронга дастлабки маҳсулот экспортга чиқариляпти.

— Заъфарон инсон саломатлигини асрашда, шифобахшилликка тенгсиз хусусиятга эга ўсимлик, — дейди кооператив раҳбари Рашидхон Одилов. — Ушиб гуёҳ қадимдан зирварорлар сultonи ёки “қизил олтин” дея эътироф этилиб, юқори баҳолашиб келинган. Уч-тўрт йил аввал бу ўсимликнинг пиёз туганакларини Испаниядан олиб келиб, уй шароитида қўлайитиришни бошлаган-миз. Кейин туман ҳокимлиги ташаббуси билан “Чашма”

маҳалла фуқаролар йиғинининг Варган массивидан 12 гектар ер ажратиб берилди. Ҳозирча беш гектар майдонда заъфарон плантацияси ташкил этганмиз. Октябрь ойи-да ўсимлик тўлиқ гуллайди, ана шу вақтда йиғим-терим бошланади ва бу 40-45 кун давом этади. Хар кунни юзлаб хотин-қизларни теримга жалб этамиз. Теримдан кейин саралаш, қуритиш, қадоқлаш ишлари давом этади.

Заъфарон халқ табобатида кўплаб касалликларга даво сифатида қадрланиб келинади. Буюк аллома Абу Али ибн Сино заъфарон дамламаси кўзни равшан қилиши, юрак ва нафас олиш аъзолари фаолиятини яхшилашини таъкидла-ган. Шунингдек, унинг гулидан олинган хомашё пазанда-лик ва фармацевтика соҳаларида ишлатилади.

Ушиб шифобахш ўсимлиқнинг дёрли 90 фоизи Эронда, қолган қисми Хитой, Италия, Туркия, Франция, Ҳиндистон, Озарбайжон, Афғонистон каби мамлакатларда етиштирила-ди. Кейинги йилларда Ўзбекистон ҳам заъфарон етишти-рувчи давлатлар қаторига қўшилмоқда. Олис Сўҳдаги лойиҳа бу борадаги ташаббусларни янада кенгайтириш, қўлаб-қувватлаш имкониятини бермоқда.

Туризм тармоқлари кенгаймоқда

Қўшни давлатлар билан йўлга қўйилган ўзаро борди-келди, чегарадан ўтишдаги қўлайликлар туманда туризм тармоқларини ривожлантириш орқали сайёҳларни ўзинг жалб этиш имконини берди. Бу ерда замонавий экo-туризм ва хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш мақса-дида умумий қиймати 189,2 миллиард сўмлик 18 та лойиҳа амалга оширилляпти. “Сариканда” МФЙ ҳудудида 50,9 миллиард сўмлик меҳмонхона ва санаторий комплексини ташкил этиш ҳисобига 20 та янги иш ўрни яратилди. “Истиқлол” МФЙда “Бароқат” МЧЖ томонидан тиббиёт туриз-ми марказини ташкил этиш борасида ишланмоқда.

Заҳиридин Муҳаммад Бобур “Бобурунома”да бир муддат Сўҳда яшагани ҳақида қимматли битиклар қолдирган. Тоғ манзараси, гўзал табиат, меҳмондўст одамлар билан боғлиқ хотиралар бутун ҳам ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ.

“Тул” маҳалла фуқаролар йиғини қадим гўшанинг пур-виқор тоғларига туташган масканлардан. “Бобурунома” аса-рида бу ҳақда алоҳида қайдлар келтирилган. “Испаранг-бир шаръисида жануб сори пушталарининг орасида бир парча тош тушубдур. “Санги ойна” дерлар, узунлиги



Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

тахминан ўн қарич бўлай, баландлиги баъзи ери киши бўйи, баъзи ери кишининг белича бўлай, ойинадек хар нима муънакас бўлур”.

Кўҳна юртда ҳанузга қадар сақлаб қолинган бу мўъ-жиза тошини кўриш, шох Бобур қадами етган манзилни зиёрат қилишга келдик. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қадрамон Аҳмедов ҳамроҳлигида Қоқ, Жингда ва Қамши тоғлари сари сел йўллари бўйлаб беш чакирим босиб, тоғ дарасига қўтарилдик. Бу ерда “Ноҳир суратлар” археоло-ги ёдгорлиги жойлашган бўлиб, давлат муҳофазасига олинган. Ёдгорликнинг жанубий қисмидаги тепалиқда “**Санги ойна**” кўзга ташланади. “Хар нима”нинг акси кўринган мўъъизавий тош Бобур ҳаёти ва тақдирда бу-рилиш ясаллишига сабаб бўлган.

— Бу ерда янги туризм лойиҳаларини ишга туриш, “Сан-ги ойна”га чиқш учун осма йўл қуриш бўйича тақлифлар берганмиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси. — Тоғ тепалиқларида турли ҳажмга эга 12 та булоқ асрлар давомида ҳудудга ҳаёт бағишлаб келмоқда. Бу ирмоқларни бир мақсад йўлида бирилаштирсак, сўлим боғу роғлар, хуш-манзара дам олиш масканлари қуриш имконияти яратилади.

Шу ўринда эътиборимизни тортиган бир жиҳатни ай-тиб ўтишни ўринли билдик. Тоғ дараси маҳаллий чорва-дорлар учун қўнналгага айлангани бонис, атроф қаровсиз, турли чорва чиқиндилари дилини хуфтон қилади.

Йўллар равон, манзиллар яқин

Йўл ва кўприклар қуриш халқимизга хос фазилатлар-дан. Бу қадриятлар истиқлол йилларида янада тараққий этиб, аҳоли оғирини енгил, узогини яқин қилляпти.

Шарқобод қишлоғини туман маркази билан боғлов-чи 5 километр автомобиль йўли қайта таъмирланиб,

замонавий кўприк қуриб битказилгани транспорт ва пиё-далар ҳаракатида ўзига хос қўлайликлар яратди.

— Кўчаларимиз ўйдим-чўқур, қишда лой, ёзда чанг бўлиб кетарди, — дейди меҳнат фахрийси Ҳабибхон Мирзоев. — Йўлларимиз асфальтланди, пидедалар учун алоҳида йўлак, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилгани айни мудида бўлди. Йўлсозларга раҳмат, кўчаларимиз тунлари ҳам худди кундүзгидек чарогон.

Туманда ички йўллар, аҳоли яшаш ҳудудидаги кўча-ларни таъмирлаш бир дам бўлса-да, тўхтатгани йўқ. Шағал, асфальт ортган юк машиналари, грейдерлар шовқинига ҳамоҳанг меҳнат қилаётган йўлсозлар шижоати баланд.

— 2017 йилга қадар тумандаги бор-йўғи 30 километр ички йўл асфальтланган бўлса, сўнгги 7 йилда 300 кило-метрга яқин йўлларга асфальт ётқизилди, — дейди Сўх тумани йўллардан фойдаланиш давлат унитар корхонаси раҳбари Зафаржон Мирзоев. — Жорий йил шу кўнунга қа-дар ҳудудлардаги 30,1 километр ички ва умумий фойда-ланувдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш учун 16,5 миллиард сўм сарфланади. Илгарилари йўл қуриш, таъмирлаш жуда қийин бўлган. Хомашё етишмасди. Қирғизистон орқали Фарғона ва Қўқондан асфальт олиб келишди қийинчиликларга дуч келганмиз. Энди-ликда бу борадаги муаммолар барҳам топди. Қурилиқ қуввати 150 тонна бўлган асфальт ишлаб чиқариш кор-хонаси қурилди. Натижада йўл қуриш, таъмирлаш бил-дан боғлиқ ишлар кўлами кенгайди, сифати яхшиланди. Сўҳда асфальтланмаган кўча қолмади, ҳисоб.

Кенг ва равон йўллар четларига тартиб билан экилган манзарали ва мевали кўчатлар баравр ривожланмоқда. Пидедалар ва велосипед ҳаракатланиши учун қўлайлаётган алоҳида йўлақлар эса аҳолига сайр қилиш, дам олиш им-кониятини бераётгани билан эътиборни тортади.

Сув таъминоти тўқсон фоизга етди

Бундан олти беш-олти йил олдин аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш даражаси бор-йўғи 20 фоизни таш-кил этган. Бутунги кунда мазкур кўрсаткич қарийб тўқ-сон фоиздан ошди. “Офтобру”, “Ҳазрат Али”, “Қальча”, “Сўх”, “Навобода”, “Ғазнов”, “Тул”, “Соҳибқор” маҳалла фуқаролар йиғинлари ва Малбўд массиви аҳолиси учун янги тармоқлар тортилди.

“Зангат” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам долзарб бўлган яна бир муаммо бартарф этилди. Маҳалладаги 460 хонадонга тоза ичимлик сув кириб борди. Лойиҳа доирасида ҳудудда ҳажми 500 куб метрли 2 та сув ин-шооти қурилди. Мазкур иншоотга бешта тик қудуқ су-ви жамланади ва бу ердан 6 та маҳалла фуқаролар йиғинига тоза ичимлик сув етказиб берилади.


— Келин бўлиб тушганимга ярим асрдан ошди, лой-қа сувни ташиб келиб, тиндириб ичганмиз, — дейди уй бекаси Гулҳаё Мирзоева. — Бу болалар ўртасида турли юкүмли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлган. Энди бу қийинчилик, оворагарчиликлар ортда қолди. Уйимизга сув келди.

Обишрсой марказлашган сув тозалаш тармоғи ишга тушди. Бу иншоот ўзига хослиги билан ажралиб туради. Худуддан оқиб ўтган булоқ сувлари шу ерда жамлангач, зарарсизлантирилиб, “Равон”, “Янгирлар”, “Офтобру”, “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 10 мингдан ортиқ аҳолини тоза ичимлик сув билан таъмин-ляпти.

— Лойиҳа доирасида 154 километр сув тармоғи тор-тилди, 18 та сув минораси ўрнатдик, — дейди “Янги ав-лод қурилиш инвест” МЧЖ раҳбари Муроджон Аҳмедов. — Бундан ташқари, аҳоли ва маҳаллий бююртачилар талаб ва истакларини инобатга олиб, қўшимча 90 кило-метр сув тармоғи қурдик. Бу ерда тоза ичимлик сув етиб бормаган хонадон қолмайд.

Юрт ободлиги, эл фаровонлиги йўлидаги ислохотлар ҳақида хар қанча гапирсак оз. Бу олис ва чекка ҳудудлар-даги аҳоли қалбига фахр, ифтихор, шукроналик туйғула-рини олиб кирмоқда. Улар бутунги ҳаётидан рози бўлиб яшаяпти.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Сардор ТОЛИБОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Афсуски, дунё аҳли юзлашаётган ва халқро майдонда чуқур инқироз ёқасига келиб қолган энергия муаммоси юртимизни ҳам четлаб ўтганича йўқ. Йиллар давомида табиий ресурсларга таяниб қолган энергия таъминоти қайта кўриб чиқишни, замонавий ёндашувларни талаб қила бошлади. Бундай вазиятда давлатимиз раҳбари илгари сурган муҳим ғоялардан бири “...чекланган ер ва сув захираларидан унумли фойдаланиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, “яшил” тараққиёт, “яшил иқтисодиёт” ва “яшил” энергетикага ўтиш орқали мамлакат иқтисодиётиги барқарор ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлаш мумкин. Бу — ягона ва энг тўғри йўлдир” деган қараш бўлди. Бу сўзлар Ўзбекистоннинг барқарор келажаги фалсафасини белгилаб бериб, кенг қамровли экологик ва иқтисодий ўзгаришлар учун муҳим йўл-йўриқ вазифасини бажаради.

Албатта, “яшил иқтисодиёт” ва “яшил” энергетикага қисқа муддатда ўтиб бўлмайди. Бу узоқ ва салмоқли йўлдир. Унинг аҳамияти фақат бугун учун эмас, балки келажак учун ҳам зарур ва умумибашарий.

Мамлакатимизда “яшил” тараққиёт йўналишида қилинаётган ишларга назар ташланса, улар муайян стратегик концепцияга асосланаётгани кўринади. Жумладан, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида қайта тикланувчи энергия манбалари улуши босқичма-босқич оширилмоқда, иссиқхона гази чиқиндиларини қисқартириш бўйича қатъий режа тузилган, саноат тармоқларида энергия самарадорлигини ошириш ишлари бажарилмоқда. “Яшил” инвестициялар жалб қилиш ва рағбатлантириш тизими йўлга қўйилмоқда. Шу тариқа Ўзбекистон “яшил иқтисодиёт”ни стратегик устувор даражага кўтармоқда.

“Яшил” саноат

Бугун энергетика ҳар бир давлат учун нафақат иқтисодий, балки миллий хавфсизлик масаласига айланган. Энергия импортига қарамлик иқтисодий заифлиқнинг энг кўп кўзга ташланадиган кўринишидир. Айниқса, табиий ресурслар бозоридagi беқарор нархлар, геосиёсий қарама-қаршиликлар фондида бу муаммо янада аққол сезилади. Шу сабабли Ўзбекистон энергия тизимини жадал модернизация қилиш, барқарор ва “яшил” энергия манбаларига ўтишга катта эътибор қаратмоқда.

Мамлакатда қуёш ва шамол электр станциялари сони тез қўпайиб бормоқда. Бу эса давлатнинг энергия хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, энергетика соҳасида ҳуқуқий базани янгилаш ишлари бажарилмоқда. Хусусий секторда “яшил” технологияларни жорий этиш, ресурслар ҳамда чиқиндилар самарадорлигини ошириш бўйича аниқ амалий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Биргина “Энергетика ислохотлари учун инновацион углевод ресурсларини қўллаш” (iCRAFT) лойиҳаси шулар жумласидан. Унинг доирасида 2023 йилда энергетика тариф ислохотлари натижасида республикада 6 миллион тонна иссиқхона гази чиқиндисини камайтиришга эришилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон экологик барқарорлиқни таъминлаш, саноатни модернизация қилиш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш йўналишларида чуқур ислохотлар ўтказмоқда. Айниқса, халқро

майдонда ушбу соҳалардаги фаоллик орқали сезиларли ютуқларга эришилди. Бунинг яққол мисоли сифатида мамлакатимиз Иқлим инвестиция жамғармаси (CIF) томонидан тан олиниб, “Саноатни декарбонизация қилиш” дастури доирасида энг юқори баҳоланган олти давлат қаторига киритилгани алоҳида эътиборга молик.

Бу тан олиниш Ўзбекистоннинг нафақат экологик сиёсатдаги тўғри йўлни танлаганини кўрсатади, балки мамлакат учун катта молиявий имкониятлар эшигини ҳам очди. Жумладан, CIF томонидан 250 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит линиясини жалб қилиш шароити яратилди. Бу маблағ саноатни модернизация қилиш, углевод изини камайтириш ва экологик стандартларга мос ишлаб чиқариш тизимини ривожлантиришга йўналтирилади.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги фаол интеграцияси, айниқса, Европа Иттифоқи билан савдо алоқалари чуқурлашуви мамлакат саноатининг янги экологик талабларга, хусусан, Транскордон углеводни тартибга солиш механизми (CBAM) шароитига тайёр бўлишини талаб қилмоқда.

Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан бирга амалга оширилаётган “Ўзбекистонда хусусий секторга қўмаклашиш ва иқтисодий сиёсат бўйича маслаҳатлар” лойиҳаси ушбу йўналишда ғоят муҳим. Лойиҳа доирасида “Mechash” ва “Navoiyazot” каби йирик корхоналар СВАМ талаблари асосида ҳисоботларни шакллантириш бўйича зарур қўнимка ва техник ёрдам билан таъминланмоқда. Бу эса ушбу корхоналарнинг Европа бозоридagi рақобатбардошлигини сақлаб қолиш ва янги экологик стандартларга мослаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Саноатни декарбонизация қилиш йўлида марказий даражадаги ташаббуслар билан бирга, ҳудудий корхоналарни қамраб олган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент, Фарғона, Наманган, Андижон, Жиззах, Бухоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларидаги 89 та саноат компаниясида ресурс самарадорлиги ва тоза ишлаб чиқариш бўйича махсус баҳолаш ишлари бажарилиди.

Ушбу баҳолашлар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар ва техник чора-тадбирлар туфайли 47 та корхона бир йилда иссиқхона гази чиқиндисини 10 фоиз қисқартиришга эришиши кутилмоқда. Шунингдек, бу амалиёт Ўзбекистонда корхоналар миқёсида экологик бошқарув маданиятини шакллантириш йўлида катта ютуқ саналади.

Баҳолаш натижаларига кўра, жорий этилаётган чоралар натижасида энергия, сув ва хомашё тежалиши таъминланади. Айниқса, энергия самарадорлигини ошириш орқали нафақат атроф-муҳитга зарар камайтирилади, балки корхоналар учун иқтисодий фойда ҳам яратилади. Бундай ёндашув Ўзбекистоннинг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси амалий ифодасидир.

Ресурсларни тежаш орқали эришилаётган ижобий натижалар нафақат маҳаллий даражада, балки глобал экологик кун тартибида ҳам долзарб. Иссиқхона гази чиқиндисини камайтириш билан бирга, сув ресурсларининг тежаб-тергаб ишлатилиши ҳам экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим омилдир.

CIF доирасидаги муваффақият, GIZ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан



ҳамкорликдаги ташаббуслар, шунингдек, саноат корхоналарининг амалий иштирок этиши Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ривожланиш сари қатъий интилаётганини кўрсатмоқда.

Келгусида ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар янада кенгайтирилса, экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда экологик стандартларга эришиш баробарида мамлакатнинг умумий иқлим борасидаги позицияси ҳам қучаяди. Ўзбекистон нафақат энергетика, балки саноат тармоғида ҳам декарбонизация жараёнида минтақадаги етакчи давлатлардан бирига айланиши мумкин.

Молиявий стратегия

Юртимизда экологик барқарорлик ва иқлим ўзгаришига мослашиш соҳасида нафақат техник ёки сиёсий, балки молиявий механизмларни такомиллаштириш орқали ҳам сезиларли ютуқларга эришилмоқда. “Яшил” молиялаштириш тизимига атроф-муҳитни сақлашга хизмат қилувчи иқтисодий восита, шунингдек, мамлакатнинг рақобатбардошлигини оширувчи стратегик омил сифатида қаралаётир.

Ўзбекистон “Яшил иқтисодиёт” сиёсатини кредитлаш дастури” доирасида 2025-2026 йиллар учун 200 миллион евро миқдоридagi бюджет қўмағига эга бўлмоқда. Дастур мамлакатнинг экологик ислохотларга содиқлигини ҳамда халқро молия институтлари ишончини яққол намойён этмоқда.

Ушбу молиявий ёрдам иқлимга таъсирини камайтириш, барқарор энергетика, тоза технологиялар ва ресурсларни тежовчи лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Бу эса иқтисодий ўсишни экологик хавфсизлик билан уйғунлаштириш йўлида муҳим молиявий таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

“Яшил” молиялаштиришни тизимли асосда ривожлантириш учун илк қадам

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига техник ёрдам кўрсатилмоқда. Бу қўмақ асосида давлат корхоналарини барқарор бошқарувга ўтказиш учун хорижий экспертлар жалб этилган.

“Яшил” молиялаштириш Ўзбекистон учун энди фақат экологик ташаббус эмас, балки миллий ривожланиш стратегиясининг ажралмас қисмига айланмоқда. Иқлим ўзгаришига қарши кураш, халқро савдодаги барқарорлик талаблари ва ички ресурслардан самарали фойдаланиш зарурати “яшил” молиявий механизмларни марказий ўринга олиб чиқмоқда.

Бугунги тизимли ислохотлар Ўзбекистонни нафақат экологик барқарор, балки иқтисодий жиҳатдан чидамли ва инвестициявий жозибадор давлатга айлантирмоқда. “Яшил” молия келажак авлодлар учун масъулият, ҳозирги ёшлар учун эса имкониятдир.

Халқаро эътироф

Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш борасида муҳим қадам қўйилди — мамлакатдаги биринчи қуёш фотоелектр станцияси халқаро I-REC(E) (“Яшил энергия”) сертификатлари тизимида расман рўйхатдан ўтказилди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда “Технопарк” МЧЖ ўртасида тузилган ҳамкорлик шартномасига кўра, умумий қуввати 823 киловатт бўлган қуёш фотоелектр станцияси халқаро I-REC(E) тизимида расман рўйхатдан ўтказилди. Бу орқали мамлакатда биринчи марта қуёш энергияси манбаи учун халқаро “яшил” сертификатлар чиқарилишига замин яратилди.

I-REC(E) қайта тикланувчи энергия манбаида ишлаб чиқарилган ҳар 1000 киловатт-соат электр энергиясини тасдиқловчи рақамли хужжатдир. Ушбу сертификатлар бир нечта муҳим вазифани бажаради. Биринчидан, қуёш, шамол ёки гидроэлектр станциясини ишга туширган компаниялар I-REC тизимида рўйхатдан

сифатида “Ўзбекистонда “яшил” молиялаштириш тизимини такомиллаштириш” лойиҳаси бўйича дастлабки ҳисобот ишлаб чиқилди. Мазкур хужжат бўйича вазирлик ва идоралар, маҳаллий банклар ҳамда хусусий сектор вакиллари иштирокчида давра суҳбати ташкил этилди. Бундай жараён Ўзбекистонда иқлим молияси сиёсати шаклланиши учун муҳим муҳокама майдонини яратди.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтишда давлат сектори етакчи ўрин тутётгани рост, ammo хусусий сектор бу жараёнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланиши кутилмоқда. Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикасининг декарбонизация стратегиясини илгари суриш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бўйича ҳамкорлик” лойиҳаси доирасида 200 миллион доллар миқдоридagi маблағ GEF (Green Economy Financing Facility) дастурининг III босқичини молиялаштириш учун ажратилди.

Мазкур ресурслар маҳаллий банклар орқали тадбиркорлик субъектларига “яшил” кредитлар шаклида тақдим этилмоқда. Бу орқали энергетик самарадор технологияларни жорий этиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, сув тежовчи тизимлар ва бошқа экологик лойиҳалар амалга оширилади.

Ҳозир бу ташаббус янада кенгаймоқда. Жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки вакиллари билан ушбу кредит линиясини 300 миллион долларгача ошириш масаласи муҳокама қилинмоқда. Бу эса Ўзбекистонда “яшил” молия салоҳияти ортиб бораётганидан далолат беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ESG (Environmental, Social, Governance — Атроф-муҳит, Иқтимоий масъулият, Корпоратив бошқарув) мезонларини амалиётга татбиқ этишда сезиларли илгорликка эришмоқда. Ҳозирга қадар 22 та корхонада ESG таҳлили ва диагностикаси ўтказилиб, 17 таси учун аниқ ҳаракат режалари ишлаб чиқилди. “Навоний КМК”, “Олмалик КМК”, “Ўзбекгазэнерго” ва бошқа етакчи компаниялар аллақачон ESG рейтингини олишга муваффақ бўлган. 2025 йил якунига қадар “Uzbekistan Airways”, “Ўзбекнефтегаз” ва “Ўзавтосаноат” каби йирик компаниялар ҳам ESG рейтингини олишни режалаштирилмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO) билан ҳамкорликда Ўзбекистон “Яшил иш ўринлари” дастурини ишлаб чиқмоқда. Ушбу лойиҳа орқали нафақат экологик барқарорлик, балки бандлик сиёсатида ҳам янги босқични бошлаш мақсад қилинган. Дастурга кўра, янги технологиялар асосида экологик хавфсиз ва самарали иш ўринлари очил, одамлар малакасини ошириш ҳамда “яшил иқтисодиёт” талабларига мос инсон капитали ривожини таъминлаш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Европа Иттифоқи қўмағида Франция тараққиёт агентлиги орқали

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига техник ёрдам кўрсатилмоқда. Бу қўмақ асосида давлат корхоналарини барқарор бошқарувга ўтказиш учун хорижий экспертлар жалб этилган.

“Яшил” молиялаштириш Ўзбекистон учун энди фақат экологик ташаббус эмас, балки миллий ривожланиш стратегиясининг ажралмас қисмига айланмоқда. Иқлим ўзгаришига қарши кураш, халқро савдодаги барқарорлик талаблари ва ички ресурслардан самарали фойдаланиш зарурати “яшил” молиявий механизмларни марказий ўринга олиб чиқмоқда.

Бугунги тизимли ислохотлар Ўзбекистонни нафақат экологик барқарор, балки иқтисодий жиҳатдан чидамли ва инвестициявий жозибадор давлатга айлантирмоқда. “Яшил” молия келажак авлодлар учун масъулият, ҳозирги ёшлар учун эса имкониятдир.

(data center) каби бошқа йирик фойдаланувчилар ҳам тизимга катта қизиқиш билдираётир.

Ўзбекистонда “Яшил энергия” сертификатлаш тизимининг жорий этилиши экологик барқарорлиқни таъминлаш билан бирга, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ва халқро бозорда рақобатбардошлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. “Технопарк” станциясининг рўйхатга олиниши эса ушбу йўналишда янги даврни бошлаб берди.

Барқарор келажак сари муваффақиятли қадам

“Яшил” энергиянинг муҳим тармоқларидан бири бу, шубҳасиз, гидроэнергетикадир. У атмосферага зарарли газлар чиқармай, барқарор ва узоқ муддатли электр энергияси ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Сўнгги 8 йилда “Ўзбекгазэнерго” АЖга тахминан 1 миллиард доллар миқдорда инвестиция жалб қилинди. Бу маблағ орқали 60 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди, янги ГЭСлар қурилди ва мавқудлари модернизация қилинди. 2024 йилда жами 8,2 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, гидроэнергетика соҳасида 100 йиллик тарихдаги энг юқори кўрсаткич қайд этилди. Жамият 2024 йил якунига кўра, активлари қийматини 1,2 миллиард долларга етказди — бу 2017 йилга нисбатан 4 баробар ўсди. Шунингдек, 13,2 триллион сўмлик электр энергияси сотилиб, давлат бюджетига 3,5 триллион сўмлик солиқ ва мажбурий тўловлар тўланган. Келгусидаги режалар ва ривожланиш стратегиясига кўра, 2025 йилда “Ўзбекгазэнерго” АЖ 9 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш ва 110 фоиз ўсишга эришишни режалаштирган. Инвестиция дастури доирасида 3,4 миллиард доллар қийматидаги 15 та йирик лойиҳа амалга оширилади. Жумладан, 2 гигаватт умумий қувватга эга 4 та гидроэлектр станциясини ишга туширган компаниялар I-REC тизимида рўйхатдан



ўтиб, қўшимча даромад олиш ва “яшил” лойиҳалар учун молиялаштириш имкониятига эга бўлади. Иккинчидан, экспортчилар учун сертификатлар Европа бозорларига чиқишда рақобатбардошлиқни оширади. ESG тамойилларига мос фаолият юритадиган компаниялар халқаро инвесторлар ва молия институтларида ишончли уйғотади. Учинчидан, I-REC(E) орқали компаниялар тоза энергиядан фойдаланаётганини расман тасдиқлайди ва уларнинг экологик масъулиятини намоён этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган “яшил” энергия сертификатлари хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. 2025 йил апрелда илк сертификатлар чет эл компанияларига сотилган. Ҳозир мамлакат бўйлаб 344 мингдан ортиқ I-REC сертификати муомалага чиқарилган, “Ўзбекгазэнерго”га қарашли 4 та гидроэлектр станцияси эса халқаро тизимда рўйхатдан ўтган.

“Технопарк”нинг қуёш станцияси эса Ўзбекистонда I-REC(E) тизимида рўйхатдан ўтган биринчи қуёш энергия манбаи сифатида тарихга кирди.

Бугун “Ўзсаноатқурилишбанк”, “British-American Tobacco Uzbekistan”, “Click”, “UzAuto Motors”, “Навонийўран” каби йирик компаниялар I-REC(E) сертификатларидан фаол фойдаланишмоқда. Енгил саноат корхоналари, АТ марказлари

кўзда тутилган. Бундан ташқари, 38 та лойиҳа амалга оширилди, умумий қувват 222 мегаваттга етказилди ва йилга 1 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 450 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқариш ва 15 миллион доллар экспорт кўрсаткичига эришиш режалаштирилган. Гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида замонавий рақамли мониторинг тизимлари жорий қилинмоқда. Бу борада АҚШ, Канада, Буюк Британия, Швейцария, Италия каби давлатларнинг илгор тажрибаси ўрганилиб, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида автоматик диагностика ва онлайн кузатув тизимлари яратилган. Шунингдек, энергия ишлаб чиқариш жараёни самарадорлигини ошириш, техник хизмат кўрсатиш даврийлигини оптималлаштириш ва хавфсизлик даражасини юксалтириш мақсадида “ақлли” дастурий платформалар жорий этилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётини экологик жиҳатдан соғлом ва барқарор қилиш, глобал иқлим сиёсатида фаол иштирок этиш мақсадида “яшил иқтисодиёт” ва энергияга ўтиш дастурлари ҳамда лойиҳалари кенг амалга оширилмоқда. Бу жараён Ўзбекистоннинг келажакда минтақада экологик ва иқтисодий жиҳатдан етакчи давлатга айланиши учун имконият яратди.

Тараққиёт одимлари

Таълим-тарбия ва илм-фанни жадал ривожлантириш орқали барқарор, юксак тафаккур ва билимга асосланган тараққиётнинг ижтимоий-иқтисодий платформасини яратиш миллий стратегиямизнинг энг устувор йўналишларидан бири. Бу борада Президентимиз белгилаб берган вазифаларнинг тўлақонли ижросини таъминлаш янги Ўзбекистоннинг юқори суръатларда ривожланишига мустаҳкам замин яратadi. Бугун турли соҳалар қатори олий таълимда амалга оширилган ислохотлар ва эришилган натижалар кўзлаган юқори марраларимиз сари қўйилган дастлабки қадамлардир.



Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ, Наманган давлат университети ректори, профессор

Наманган давлат университети ёшларга билим ва тарбия беришда республика олий таълим тизимида ўзига хос ўрин ва ёндашувларга эга муассасадир. Бугун университетда STEAM фанлар ва аънаваний таълим йўналишлари қаторида меҳнат бозорида истиқболли ҳисобланган юриспруденция, тиббиёт, ахборот технологиялари ва озиқ-овқат муҳандислиги, туризм, бухгалтерия, банк иши, молия ва моливий технологиялар каби жами 47 та мутахассислик бўйича рақобатбардош кадрлар тайёрланмоқда. Бугунги кунда отахон таълим даргоҳида 700 дан зиёд профессор-ўқитувчи қарийб 18 минг талабага таҳсил бериб келмоқда.

Меҳнат бозорида малакали олий маълумотли кадрларга эҳтиёж тобора ортиб бориши, янги таълим йўналишлари ташкил этилиши ҳамда ёшларнинг олий таълимга қармови оширилиши натижасида Наманган давлат университетида ҳам қабул квоталари ва талабалар сони сезиларли даражада ордди. Жумладан, 2024/2025 ўқув йили учун 1775 та қабул параметри шакллантирилган бўлса, 2025/2026 ўқув йили учун 3885 тага етказилди. Кадрлар буюртмачилари тақлифлари ва меҳнат бозори талаби асосида мутлақо янги 19 та таълим йўналишида талабалар қабули ташкил этилди. Бошланаётган янги ўқув йилида бакалаврият бўйича қабул йўналишлари ўтган йилдаги 24 тадан 43 тага, магистратурада 10 тадан 26 тага оширилди. Янги таълим йўналишлари очилиши ёшларимизнинг ўз хоҳиш-истагидидаги таълим йўналишларида ўқиш учун кенг имконият яратди, университетнинг илмий даража ва салоҳиятга эга 100 дан ортиқ профессор-ўқитувчиси учун иш ўрни сақлаб қолганимизга ҳам эришилди.

Президентимизнинг 2022 йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Наманган давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизда Наманган давлат



РАҚОБАТГА МОС КАДРЛАР
БЕРИЛАЁТГАН БИЛИМ ҚАНЧАЛИК
СИФАТЛИ БЎЛИШИГА БОҒЛИҚ

педагогика институти ташкил этилиши, университет бинолари ва талабалар турар жойларини янги ташкил этилган институт тасарруфига ўтказилиши университетда янги ўқув бинолари ва талабалар турар жойларини қуришга туртки бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йилда Наманган вилоятига таширифи чоғида университет учун 2000 ўринли замонавий ўқув биноси қуриш бўйича берган топширини бу ерда қурилиш-бунёдкорлик ишлари кенгайишига асос бўлди. Унинг ижроси доирасида Наманган шаҳрининг Юқалиш мавзесида янги 2025/2026 ўқув йилида 91 миллиард сўмлик 2000 ўринли замонавий ўқув биноси ва 63 миллиард сўмлик 600 ўринли янги талабалар турар жойи қуриб битказилмоқда. Бундан ташқари, 1200 ўринли ўқув биноси капитал таъмирланди, университет ҳудудида фойдаланилмай келинётган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш асосида қўшимча 800 ўринли ўқув ўрни очилди. Ушбу бунёдкорлик ишлари натижасида университетда 2025/2026 ўқув йилида ўқув жараёнини 1 сменада, университетнинг ўз бино ва иншоотларида ташкил этиш имкони яратилди.

Университетда асосий ўқув биноси реконструкцияси ҳисобиغا 1200 ўринли қўшимча қувватга эга ўқув биноси, 8 та замонавий лабораторияни жамлаган Биологик тадқиқотлар маркази, 4 та замонавий лабораторияга эга “Ак-вакулютура” ўқув-тажриба маркази ҳамда ноанъанавий хомашё асосида озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган Цукат ишлаб чиқариш маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Ёшларга, айниқса, вилоятнинг олис ҳудудларида истиқомат қилувчи ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандлари учун 6 та хорижий тилини ўргатишга ихтисослашган 400 ўринли Тил ўрганиш маркази, талаба-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида миллий ва инновацион жиҳазларни ўз ичига олган 400 ўринли маънавият ва маърифат маскани, таълим-тарбия жараёнларини тўлиқ рақамлаштиришга ҳамда ёшларни компьютер саводхонлиги бўйича ўқитишга ихтисослашган АТ парки, рақамли хизмат кўрсатиш учун замонавий регистратор офиси ҳамда 650 ўринли янги талабалар турар жойи барпо этилгани ҳам олий таълим ислохотларининг яққол самарасидир.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш мақсадида университетнинг 7 гектарли биринчи ўқув биноси ҳудудида ўзидан 10 та компонентни жамлаган “яшил инновацион ҳудуд” барпо этилди. Унинг 3 гектаридан эса 17 та фандан амалий ва лаборатория машғулотлари ўтказиш имконини берувчи, дунёнинг 5 та минтақасидан келтирилган 4500 та ноёб дархат ва бутани ўз ичига олган экобот ташкил этилди.

Хорижий инвестицияни жалб қилиш орқали университет моддий-техник базасини ривожлантириш учун Жаҳон банки, Ислот тараққиёт банки каби халқаро молия тузилмалари грант лойиҳалари ҳисобига 9 та ўқув ва ишлаб чиқариш лабораторияси очилди.

Халқаро алоқаларни ривожлантириш Наманган давлат университети жамоасининг устувор вазифаларидан бири. Айни пайтда университет 50 дан ортиқ мамлакатнинг 158 та олий таълим муассасаси билан амалий ҳамкорлик қилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, университетда 3 та хорижий олий таълим муассасаси билан қўшма



таълим дастурлари амалга оширилмоқда. Университетнинг экспорт ҳажмининг ошириш мақсадида хорижий талабаларни жалб қилиш кўрсаткичи 2024 йилдагидан жорий йилда 5 баробар ўсди. Ўқув жараёнларини

такомиллаштириш учун 5 нафар хорижий профессор-ўқитувчи таълимга жалб қилинган. Жорий йилда университетнинг 128 профессор-ўқитувчиси хорижа стажировка ва малака ошириш курсларида иштирок этган бўлса, 114 нафар хорижий мутахассис Наманган давлат университетига илмий тадқиқот ва ўқув жараёнларида фаол қатнашди.

Шунингдек, 2024/2025 ўқув йилида 83 талаба “Work and travel” дастури бўйича Германияга тажриба орттиришга юборилди. Хорижий ОТМларнинг 48 талабаси Наманган давлат университетида амалиёт ўташга жалб қилинди. Тиббиёт соҳасида тахсил олаётган 31 талаба Ҳиндистоннинг етакчи тиббиёт муассасаларида клиник амалиёт ўташ учун юборилди.

Айни пайтда 3 та бакалаврият таълим йўналиши ва 3 та магистратура мутахассислиги Германиянинг АСИН ташкилоти билан ҳамкорликда халқаро аккредитациядан ўтказилиши кутилмоқда. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Франциянинг Европа халқаро университети билан “Лингвистика (инглиз тили)” МА TESOL магистратура мутахассислиги, Россия Биотехнология университети билан ҳамкорликда 3 та қўшма таълим дастури ҳамда Малайзиянинг Утара, Хитойнинг Сизилин ва Хитой аънаваний тиббиёт университети билан мақсадли талабалар алмашинуви йўлга қўйилади.

Келгусида Қозогистоннинг халқаро рейтингда ТОП-1000 таликка кирган Е.А.Букетов номидаги Қараганда, М.Авезов номидаги Жанубий Қозогистон ҳамда Чехия, Озарбайжон, Хитойнинг нуфузли университетлари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш бўйича келишувларга эришилган.

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш ҳамда талабалар билимининг назорат қилиш тизимини рақамлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Университетдаги мавжуд 210 та ўқув аудиторияси, спорт иншоотларининг барчаси овозли видеокўзатув тизими билан жиҳозланди. Машғулотлар ташкил этилиши ва сифати тўғридан тўғри онлайн тарзда таҳлил қилинмоқда. Талабалар билимининг баҳолаш бўйича ўтказиладиган якуний назорат имтиҳонлари, битирув малакавий иш, магистрик диссертациялари ҳимоялари университет расмий веб-сайти орқали намойиш қилинмоқда. Дарс машғулотлари ва назорат



имтиҳонларининг очиқ ахборот муҳитида жамоатчиликка тақдим этилиши талаба ва профессор-ўқитувчиларда масъулият ҳиссини ошириб, таълим жараёнида жамоатчилик назоратини фаол қўллаш ҳамда коррупциявий хавф-таҳдидларни кескин пасайтиришга замин яратмоқда.

Университетимиз ахборот-ресурс маркази китоб фонди бўйича етакчи олий таълим муассасаларидан. Марказда бугунги кунда жами 51 минг 540 номдаги адабиётлар мавжуд, 14 минг 714 номдаги адабиётлар босма ва 36 минг 826 номдаги адабиётлар электрон форматта келтирилган. Босма адабиётларнинг умумий нусхаси 178 минг 870 данони ташкил этади. Кутубхона фондиди янги авлод адабиётлар билан таъминлаш мақсадида 2024/2025 ўқув йили мобайнида 961 нусхада дарслик ва ўқув қўлланма харид қилинди. Университет профессор-ўқитувчилари томонидан 2024 йилда 235 та, 2025 йилнинг биринчи ярим йилида 130 та дарслик ва ўқув қўлланма яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили Наманган вилоятига таширифи домида ҳам Наманган давлат университетида ўқитиладиган таълим йўналишларида ўқув дастурларини янгиллаш ва янги адабиётлар билан таъминлаш бўйича алоҳида вазифа юклатилган эди. Мазкур вазифа ижроси доирасида ўтган ўқув йилида тахсилнинг 1-босқичида ўқитиладиган, бевосита мутахассисликка оид 92 та фан ўқув дастурлари олий таълим муассасаларининг халқаро “ТОП-300” рейтингидан нуфузли университетлар таълим дастурлари

асосида тайёрланди. Янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнида эса юқори босқичларда ўқитиладиган 602 та фаннинг ўқув дастурларини етакчи хорижий университетларда кенг қўлланилиб келинётган таълим дастурлари асосида тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Халқаро “ТОП-300” рейтингидида 72 та хорижий олий таълим ташкилотининг 442 та таълим дастури таҳлили асосида ўқув дастурларига 256 та янги мавзу киритилди, 103 та мавзу оптималлаштирилди, 281 та ўқув дастури янги авлод ўқув адабиётлари, жумладан, хорижий адабиётлар асосида тайёрланди.

Шу ўринда илмий тадқиқот фаолияти хусусида ҳам сўз юритсак. Наманган давлат университетида ҳозир 36 нафар фан доктори, 279 нафар фан номзоди ва фалсафа доктори фаолият кўрсатади. Сўнгги 3 ой давомида университетда илмий салоҳият 10 фоиз ошди. Жорий йил охирига қадар университетда илмий салоҳиятини 60 фоизга етказиш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда университетимизда жами 610 нафар иллануви 38 та ихтисослик бўйича илмий фаолият билан шуғулланипти. Илланувичилар сони 2024 йилдагига нисбатан 34 фоиз ортган. Олий таълимдан кейинги таълим самарадорлиги 80 фоизни ташкил этмоқда.

Университет профессор-ўқитувчилари томонидан жорий йилда 35 та фойдали модель, 2 та саноат намунасига патент гувоҳномалари ва 81 та ЭҲМ дастури учун муаллифлик ҳуқуқи гувоҳномалари олинди. Ҳозир университетда 6 та илмий ва амалий лойиҳа ва 14 та ҳўжалик шартномаси бажарилмоқда.

Шунингдек, 9 та ихтисослик бўйича илмий даражалар берувчи 5 та илмий кенгаш

фаолият юрityапти. Мазкур кенгашларда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 69 нафар иллануви диссертация ишларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Жамоамиз ёшларни илмий тадқиқот фаолиятига йўналтириш бўйича ўзига хос тажриба ва аънаъанага эга. Яъни университет кафедралари негизида умумий 69 та илмий тадқиқот тўғрисида фаолияти йўлга қўйилган.

Ёшлар билан ишлаш, талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, рақобатбардошлик муҳити тобора ривожланиб бораётган миллий олий таълим тизимида Наманган давлат университети ўз ўрнини мустаҳкамлаб, янги рейтинг даражасига кўтарилиш, халқаро олий таълим ва фан бозорига чиқиш учун жиддий ёндашув ва амалий чора-тадбирларга эга. Бу йўлда университет жамоаси ўз олдида бир қатор вазифаларни қўйган ва ушбу вазифаларни тўлақонли бажариш учун етарли илмий салоҳият ва имконият мавжуд.

Ривожланган мамлакатларда ҳар бир фаолият илм-фан ютуқларига асосланади. Шу маънода, биз, олий таълим тизими вакиллари зиммамиздаги кучли билим, малака, иқтидор ва салоҳиятга эга кадрларни етиштиришдек залворли вазифаларни адо этиш йўлида бор куч-ғайрат ва имкониятларимизни сарф этмоғимиз зарур. Ана шундай қатъий мақсадда Наманган давлат университети жамоасининг эса келгусида янада улкан ютуқларни қўлга киритишига ишонаман.

ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ НИМАЛАР БИЛАН БАНД?

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан маҳаллаларда иш бошлаган ёшлар етакчилари зиммасида тенгқурлари дардида дармон яқин дўст, маслаҳатгўй ва қўмақдош бўлиш, муаммоларини биргаликда ҳал этиш вазифаси юкланган эди.

Ёшлар сиёсатида маҳаллий даражада таъсирчан, самарали ва аниқ натижага қаратилган ушбу механизм қандай ишлаяпти? Ўтган йиллар таҳлили бу борада муайян ишлар амалга оширилганидан далолат беради. Яъни уларнинг давлат қўмағига муҳтож ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига қўмақлашиш, китобхонликни кенг тарғиб этиш, хориждаги ёшлар билан алоқа ўрнатиш, “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизлар муаммоларини ҳал этиш каби қатор вазифаларни сидқидилдан бажариши тенгдошлари ҳаётидаги яхши ўзгаришларга туртки бермоқда.

— Маҳаллада ёшлар билан ишлаш мен учун қийинчилик тугдирмади, чунки ҳар доим маҳалла ёшлари билан бирга, ҳамнафас бўлиб яшаб келганман, — дейди Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Илгор маҳалласи ёшлар етакчиси Зоҳиджон Гафоров. — Маҳалладаги спорт билан шуғулланиш учун шароит йўқ эди. Ҳўмийларини жалб қилган ҳолда футбол майдонини тунги ёриткичлар ва ўриндиқлар билан жиҳозлаб, таъмирлашга эришилди. Эндиликда маҳалла ёшлари кечқурун ҳам спорт билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди. Ҳозир маҳалла-

мизда дзюдо билан 120 нафар ёш мунтазам шуғулланади. 5 ёш спортчи имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинган.

Ёшларни китобхонликка жалб қилиш мақсадида мактаб кутубхонасига 1000 донга янги китоб олиб келинди. 35 талабанинг контракт тўлови, айримларнинг касб-ҳунар ўрганиш харажатлари қоплаб берилиши оилаларга қўмақ, енгиллик келтирди. Ишсиз ёшлар ишли бўлди, айримларига деҳқончилик учун ер ажратилди. Бетобларнинг даволаши харажатлари қопланди.

— Яқинда “Ташаббусли бюджет” орқали янги замонавий спорт майдончаси қурилиши лойиҳасини ютиб олдик. Энди маҳалламиз ёшлари янада кенгрок спорт шароитларига эга бўлади, — дейди Зоҳиджон Гафоров. — Бу биргина маҳаллада ёшлар етакчиси иштирокида амалга оширилаётган ишларга мисол. Республикаимизнинг деярли барча маҳаллаларида фаолият юритаётган етакчи тенгдошлари ҳаётидаги ижобий ўзгаришларга сабаб бўлаётганини кўз олдингизга келтирсангиз, ишлар қўламини анча салмоқли эканига гувоҳ бўласиз.

— Бугун орқага назар ташласам, бир йил аввалги ҳаётим кўз олдимда жонланади, —

Камолот пиллапоясида



дейди Булоқбоши туманидаги Шарқ юлдузи маҳалласи ёшлар етакчиси Зухриддин Мўйинов. — Негаки ўша пайтда ўзим ҳам ишсиз эдим, қандай йўл туттишни, қандай болашни билмасдим. Аммо қўл қовуштириб ўтириб бўлмаслигини ҳам яхши тушунардим. Менга имконият берилди. Бугун ёшлар етакчисиман. Бу лавозим нафрат масъулият, балки имкониятлар эшигини очди. Ёшларга

яратилаётган шароитлар туфайли мен кабилар ўз йўлини топмоқда. Мисол учун, жорий йилнинг ўзида маҳалламизда 80 нафар ишсиз йигит-қизнинг бандлиги таъминланди, улар жамиятга ўз ўрнига эга бўлиб борапти. Мен эса бугун шу тенгдошларим билан ёна-ён ишлаяпман.

Маҳаллада ёшларнинг орзулари рўёбга чиқиши, сифатли таълим олиши, бандлиги

таъминланишида ёшлар етакчисининг ўрни алоҳида. Айниқса, “Беш ташаббус олимпиадаси” ҳар бир ўғил-қиз ҳаётига бевосита таъсир қилмоқда. Маҳалладаги 800 га яқин йигит-қиз футбол, волейбол, стол тенниси ва бошқа спорт турларига жалб этилди. Ахборот технологиялари ўқув курсларига қатнашаётган ёшлар сони 200 дан ортди.

Маҳалла кутубхонасига янги адабиётлар олиб келиниб, “Китобхон ёшлар” клуби йўлга қўйилди. Тикувчилик, дурадгорлик, сарташлик каби касблар бўйича ўқув курслари очилди ва 100 га яқин ёшнинг бандлиги таъминланди.

Ҳар бир авлод ўз қадриятлари, тажрибалари ва дунёқарашини шакллантирадиган давр муайян тарихий воқеалар, технология таъриқиёт, иқтисодий меъёрлар, маданий тенденциялар билан тавсифланади. Инсоннинг ўзига хослиги ва тафаккур тарзи, ҳаётининг кейинги босқичи шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатадиган бу паллада навқирон қалб ўзига ҳаммаслақ, ҳамфирқ, таянч бўла оладиган бошқа бир инсонга эҳтиёж сезиши табиий. Шу сабаб “Ёшлар тилини ёшлар тушунади” деган ҳаёт ҳақиқат бугун ёшлар тарафдор маъно касб этиб, ўлар ҳаётига тобора сингиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари жорий йил Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан тўққиз мингдан зиёд маҳаллада ёшлар етакчилари тайинлагани, улар уч йил давомида кўп нарсани ўрганигани, етарли тажриба орттириб, энди мактаб, техникум, тил ва касб марказлари билан ҳам ишлашни ўрганиши лозимлигини қайд этган эди.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Албатта ўқинг!

Ғариб сўзлар, ғаройиб сўзлар...
(“Сўз латофати” китобидан)

Юртдан кетиб баъзан гадо бахтта ёр бўлур, ғарибликда тахтта ёр ҳам хору зор бўлур, деганларидек мусофирлик Сўзнинг бошига ҳам яхши-ёмон кунларни солар экан. Йигит сўзи Россияга кетиб джигит бўлди, баҳодир — боғатирь бўлиб кадр топди. Лекин полвон — болванга, пахлавон — ахламонга айланиб, хор-зор, шармандаи шармисор бўлдилар.

Туркиялик бир дўстимиз бор. Ўзбек адабиётининг катта билимдони, тарғиботчиси. Кўп китобларимизни туркчага таржима қилиб нашр эттирган. Иسمи нима денг? Ёвуз! Ёвуз Окбинор. Усмоли турк тилида ёвуз сўзи **ботир**, **баҳодир** маъносини билдиради. Туркия тарихида Ёвуз исмли султонлар ўтган. Қарангки, бизнинг **полвон** ва **пахлавон** сўзларимизга келган кўргилик қардош тилдан ўтган ёвуз сўзининг ҳам бошига тушибди. Уста таржимонлар кўпинча қардош тиллардан таржима қилишни унча хуш кўрмайдилар, бу ишдан илжои борица қочадилар. Юзакни қарашда осон кўринган бу иш аслида жуда мураккаб экан. Негаки таниш сўзинг сени чапигити, уялтириб қўйиши ҳеч гап эмас. Бундай ҳолатга мисол қилиб ўзбек муҳожирларининг бир ажиб саргузаштини ҳикоя қиладилар. Инқилоб йилларида Туркистондан қувғин бўлган бир ғуруҳ ватандошларимиз Истанбулда паноҳ топан эканлар. Шаҳар волийси уларни ҳузурига чорлаб ҳурмат кўрсатибди, қандай истак-орзулари борлигини сўрабди. Шунда меҳмон ўзбекларнинг улуғи тавозе билан бундай дебди: “Илтифотингиз учун ташаккур, жаноб волий, ҳар нарсамиз етарли. Фақат бекормиз, бизга корхона керак”.



Бизга бобо бўлган ўша содда ўзбек қаердан билсин-ки, Туркияда бекорнинг маъноси бўйдоқ, корхонанинг маъноси эса ишратхона, ислотхона... Ана кўринг хангомани! Шундай табаррук юртдан келган иззатли мусофирлар биз бўйдоқми, ишратхона керак деб турса, волийнинг ахволини кўз олдингизга келтиринг. Москванинг Воровская кўчасидаги ёзувчилар уюшмаси биноси бир вақтлар доим гавжум бўлар, пойтахтга йўли тушган ижодкорлар кўниб ўтадиган карвонсарой эди. Ҳиндистонга борадиган тошкентлик ҳам аввал Москвага бориб, ҳужжат расмийлаштириб, яна уч минг километр учиб қайтар, Тошкентга кўниб, кейин Ҳиндистонга учарди-да. Осиё — Африка ёзувчилар бирдамлик ҳаракатининг котибияти жойлашган мўъжазгина кабинетда бўлиб ўтган бир суҳбат ҳеч ёдимдан чиқмади. — Мен кўп таъна эшитаман, — деганди Чингиз Айтматов ёнида ўтирган Муштай

Тилнинг жони бор

Ҳа, тилнинг жони бор экан. Бекорга жонли тил деб аталмас экан. Агар тилни ҳазина десак, у кўйиб қўйилган ё сандиқда сақланадиган ҳазина эмас, балки ипак курти каби тирик ҳазина экан. Ҳозирги замонда кичкина дискеталарга сиғиб кетган юз минг сўзлик лугатлар менга гугурт қутисига жо бўлган сонсиз пилла уругини эслатади. Хитойдан қадимда бу уруғни ҳасса ичида яширин олиб чиққан сайёҳ ан-ғишвонадек тешикчадан оламга битмас ҳазина тарқатган эди. Уша сайёҳ ўзбек бўлганига менда шубҳа йўқ. Ажабо, тарикдек уруғдан жонивор униб чиқиб пилла ўраши, капалакка айланиб учуши биз юқорида тилга олган ва тилга олмаган минг-минг сўзларнинг замон ва макондаги эврилишларини эслатмайдими?

ТАҲРИРИЯТДАН

Мана, “Янги Ўзбекистон” газетасининг жорий йил 3 апрелдаги 68-сонига бошланган “Сўз латофати” марафони ниҳоясига етди. Ўтган уч ярим ойда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов томонидан тизилган ўзбек тили гўзаллигини тараннум этган маржон жилвасидан муштарийларимизни бахраманд қилдик. Атоқли шоиримиз бутун иккони давомидида ўз-лигимизни, она тилимизни юксак меҳр-муҳаббат билан тараннум этди. “Сўз латофати” китоби ана шу беқиёс эҳтиром, машаққатли меҳнат маҳсули ўлароқ дунёга келган. Ҳа, инсон ўз она тилини қанчалик мукамал билса, ўзлигини шунча тегран англаб бораверар экан. Китобдаги битиклар эълон қилина бошлагач, ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаб қўллаб муштарийларимиз тахририятимизга мурожаат қилди. Китоб билан аввалдан таниш бўлганлар тўплам нашр этилган дастлабки йиллардаги таассурот қайта уйғонгани, халқ шоирининг кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этган аксарият фикрлари ҳамон долзарб эканини эътироф этди. “Сўз латофати”ни ҳали ўқишга улгурмаган ва унинг муталоасига мушток юртдошларимиз орасида тахририят бошлаган хайрли иш учун миннатдорлик билдириб, китобни топишда ёрдам беришимизни сўраганлар ҳам бўлди. Биз уларга газета орқали китобни тўлиқ чоп этишсини режа қилганимизни, қолаверса, яқунда тўпламнинг электрон шакли ситимиз **yuz.uz**га жойлаштирилишини маълум қилдик. Бизнинг эса, ўз навбатида, муштарий ва кузатувчиларимиздаги муталоага қанқоқлик, тилимиз ва сўз бойлигимизга эътиборни кузатиб, кўнглимиз ёришди. Ушбу эътироф ва мурожаатлар бежиз эмас, албатта. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусдан бири

китобхонлик маданиятини ошириш, ёшлар ўртасида китоб тарғиботини кучайтиришга қаратилган. Мазкур юксак эътибор нафақат китоб ўқишни жон-дили деб билган ёшларни, балки халқимизнинг китобсевар қатламини ҳам тўлқинлантириб юборди. Уларни янги-янги ташаббусларга ундади. Шу ўринда айтиш лозимки, мамлакатимиз ривожланишининг янги даврига қадам қўйгач, тилимизга эътибор ҳам тубдан ўзгарди. Давлат тилига эътиборни мустақилликка эътибор сифатида англаб, тилимизга эҳтиром ва садоқатни она ватанга эҳтиром ва садоқат деб билиш тамойили илгари сурилди. Натижада ўзбек тилининг давлат тили сифатида такомиллашуви борасидаги қўламли ва самарадор ишлар янги босқичга чиқди. Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида таъкидланганидек, “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалӣ қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”.

Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини

Каримга, — киргиз тилида ёзмайсан деб танқид қилишади. Не қилайки, ўз она тилимда ҳатто ҳақиқат маъносини билдирувчи сўз йўқ. Улуг ёзувчи шундай деб қўлидаги газетани машҳур шоирга узатди. Газетанинг номи “Фрунзе правдаси” эди. — Ҳасрат қилма азизим, — деди Муштай оға, ўзига хос назокат ва маданият билан, — менинг бошқирд тилим олдида киргиз тилини улуг ва қудратли, деса бўлади. Яқинда бир журналимизда мақола чиқди. Номини шундай: “Советлар Россиясинда крестьянлар положениеси!”. Суҳбатта Иброҳим Юсупов қўшилди: — Қорақалпоқнинг бош газетаси яқин-яқинларда ҳам “Қизил Қорақалпоғистон” бўлган. Воиз айтар: “Тақдир шул, шу жаҳоний ирода. Тиллар йўқлар буткул, бир тил қолар дунёда”, дейилганидек, агар эски тузум яна давом этганда яқин ўн йиллар ичида тилларимиз унутилиши аниқ эди.

... Шундай китоб ёзилишини орзу қиламан. Унинг номи “Сўзнинг қисмати” бўлса. Она тилимиздаги сўзларнинг узоқ босиб ўтган йўллари, бошдан кечирганлари, зафар ва мағлубиятлари, тох шухрат топиб, тох унут бўлишлари, камолу заволлари тасвир этилса... Дунёда бундан қизик асар бўлмасди. У китобнинг илмий номи ҳам бор: “Этимологик лугат”. Гоят мушкул ва мураккаб, юз Сукротнинг билими, минг Алпомишнинг кучини талаб қиладиган меҳнат. Ишонаманки, ўзбекнинг шундай тафаккур паҳлавонлари бор. Саксонда тиниб тинчимаган, бундай лугат тузиш ишига астойдил бел боғлаб, дастлабки залворли қадамни қўйган, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳибни, устоз Шавкат Раҳматуллаев, “Сўз ҳақида сўз” китоби аллақачон библиографияк ноёбликка айланган Алибек Рустамовдек сукротлар-у алпомишларимиз, уларнинг ғайратли ва истеъдодли шоғирдлари бор. Она тилимиз меҳри ва гурури кўнглиларга илҳом, тоғларни талқон қилгудек куч-қувват бағишласа, ажаб эмас.

2008

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

такомиллаштириш концепциясида “Илмий асосланган янги сўз ва атамалар мунтазам равишда расмий муомалага киритиб борилиш” алоҳида қайд этилган. Шу ой аввалида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси ана шундай илмий асосланган янги сўз ва атамаларнинг бир туркуми (40 та бирик)ни кўриб чиқиб, уларни расмий муомалага киритиш юзасидан қарор чиқарди. Қаҳрамон шоиримиз китобнинг кириш қисмида орзу қилган кунлар шуларда ҳам намоёндек гўё: “Ўзбек тилим бошқаларга қандок, билмайман, лекин мен учун дунёда энг бой, энг гўзал, энг баркамол тил. Ўзбекча гапириб тилим чиққан, қўлимга қалам олиб ўзбекча ёзганман, қалбим севинчлари ва изтиробларини ўзбекчада қорғозга туширганман. Унга меҳримни, миннатдорлигимни изҳор этиб бир китоб ёзсам деган ниётим бор. Ёзганларим шеър бўлмаса-да, шеърдек ўқилса, дейман. Она тилимнинг кўрки, барваста қомати саҳифалардан бўй кўрсатиб турса, дейман. Орзуларим кўп. Қани эди парвозим орзуларим қадар юксак бўлса”.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, халқимизда муталоага бўлган иштиёқ, маънавий эҳтиёж кейинги йилларда, айниқса, кучайиб бормоқда. Бойси, янгиланиш даври, юқалиш эҳтиёжи ҳамиша заҳматли меҳнат ва узулксиз ҳаракатни талаб қилган. Бу зарурат эса фақат ва фақат муталоа туфайли тақомиллашга етади. Шу маънода, “Янги Ўзбекистон” газетасида муталоа ва миллий контент билан боғлиқ янги-янги лойиҳаларни давом эттириб, сиз — азиз муштарийларимиз эътиборига ҳавола этиб боришни мақсад қилганмиз. Бу йўлда, “Сўз латофати”да таъкидланганидек, қамишдек бел боғлаб хизмат қилишга ҳаракат қиламиз.



Бугун ўтаётган ҳар лаҳзамиз, назаримда, яқинларимиз дийдоридан чалғитувчи, улардан узоқлаштирувчи баъзи омиллар ҳисобига бойиб бораётгандек. Шулардан бири кўпчилик оилаларни “ишғол қилаётган” ва уй бекаларининг онгини эгаллаётган визуал куч — телесериаллардир.

Кечки томон аини тигиз пайт ҳар оилада меҳмон, баъзиларда тўлақонли ҳукмрон шу сериаллар... Экрандаги турли драматик воқеаларга тўла, сунъий сеғви ва нафрат, бўҳтон ва хиёнатлар билан безатилган манзаралар ҳаётиимизнинг бир қисмига айланиб улгурди. Ҳар бир сериядаги сюжетлар инсон психологик эҳтиёжларини эрқа чорлашга “бел боғлайди”: қизиқш, драматизм, романтика, интиқом... Аксар сериалларда умумий воқелик: муҳаббат учбурчаклари, хиёнат, кек, бойлик учун кураш, бир-бирига қарши бўлган оилалар. Ҳатто яхши одам образи ҳам кўпинча қасос билан оқланади. Бу нима дегани? Эришмоқ шунчаки эмас, балки шафқатсизлик билан курашилсатгина мағлубиятга йўл йўқ деган ғоя олға сурилгандек. Ҳар кун шуларни кўриб турганимиздан сўнг, инсоний ақлда ўзгармайдими? Эҳтиром ўрнига шафқатсизлик, кечирим ўрнига интиқом “қаҳрамонлик” сифатида намоён бўлмайдими?

“Жимлик вақти..”

Тасаввур этинг, азонлаб тирикчилик ғамида уйдан чиқиб кетган эр ишдан кеч қайтди. Кўнини боғчада ёки мактабда ўтказган болакай соғинган она-си эантики яқинлашди, эркаланни бирор гап айтсин-чи, инкор этувчи ва

кескин оғохлантирувдан сесканиши аниқ — “жими!” Сериал қизик жойига келди” (таниш ҳолатми?). Телевизор қаршисидаги бу “ажиб” муҳитда ота нафақат меҳрдан, балки ҳурматдан ҳам маҳрум қолади. Юзма-ноз ўтириб, аини бир-бирига қалб қулфини очиб фурсатида, жонли мулоқот ўрнига тўқима драмалар юрак ютиб кузатилади. Бу “жимлик” бора-бора одатий муҳитга айланиб қолади. Оқибатда оила гўёки “маънавий нарқоз” таъсирига тушгандек, ўртадаги реал яқинлик ўрнини виртуал яқинлик эгаллай бошлайди.

Ҳа, кўз олдимиздан ўтказётган бу ҳақ аслида фожанининг ўзи. Маълумотларга кўра, ўша тўрт соатлик (18 дан 22 гача) бўлган “жимлик вақти” аслида оила деб аталмиш ҳаётий ва умр сериалимизнинг неча-неча қизик сонлари бадалига сарфланганда. Оила аъзолари ўзаро муносабатларда ҳазинадек вақтини сериалларга бой бермоқда. Энг аламлиси, аёлларимиз ҳаёлан ҳам оилани эмас, экрандаги тўқима образларни ўзига энг қадрдон билиб қолаётганидир. Шу даражадаки, баъзи “жимлик вақти” соҳибалари учун ёнидаги эркаклар дарди, чарчови, меҳри ва муҳаббати инкинчи даражадаги айланб, сериаллардаги “қаҳрамон”нинг тўқима муҳаббати, сохта жасорати, бўрттирма драмалари ростакамдек кўрина бошлайди.

Шу аснода кун билан соч қиртишлаган сартарош, далада меҳнат қилган деҳқон дейимизи ёки заводдаги шовқиндан қадрдон масканига ҳаловат истаб қайтган эркакларимиз ўз уйида жимликка маҳкум этилса. Ўша сериал курғурнинг савия ёки тарбиявий аҳамиятга эга тарафи бўлса ҳам қошқийди. Баъзан каналларни қидира туриб, шу оний лаҳзада дуч келатган сахналарнинг ўзиданоқ ҳайратга тушишингиз аниқ.

Моҳияти ночор воқеалар

Аксарияти қонунсизлиқни уддабуронлик, хиёнатни “туйғу” сифатида, кекки “адолат” деб таърифлайди. Бу сериаллар билан ибo ва ҳаёга беланган, бор гуруримиз бўлган ўзбек аёлини, рашиқдан замин титрайдиган эркакларимизни бошқаларга қандай қилиб кўрсатмоқдамиз?! Бу оммавий маданият “бозори”да маънавият арзон товарга айланиб қолмайтимикиан? Сериаллар сценарийларда доимий такрорланаётган бир образ бор — “хўрланган аёл”. Бу қиёфа аёли нафақат заиф, балки иродасиз шахс сифатида намоён этиб, жамиятда аёлга нисбатан ишончини сусайтиради, қизлар тарбиясида ижобий образлар танқислигига олиб келади. Кўпчилик эркаклар онгидида аёл — фақат “муаммо манбаи” деган

тасаввурни пайдо қилади. Бу сценарийлар аёлга нисбатан ҳурматни эмас, балки шикоят ва даъво руҳини сингдиради... Аслида, бугунги аёл юксак интеллектли, мустақил, тадбиркор, устоз ва фол жамият қурувчиси бўлган шахс. Эҳкан аслида шуни кўрсатиши, ҳақиқий аёл образини — қурбон эмас, мувозанатли сарловчи садоқат тимсоли ва инсоний тарбияси юксак сиймо сифатида намоён этиши лозим. Ахир янги Ўзбекистонда бугун аёл ҳалокат остида эмас, тараққиёт марказида. — Ҳозирги кунда баъзи ўзбек сериалларининг мазмуни ва тарғибот услуби оила даврасида томоша қилиш учун ноқулай ҳолатга келиб қолди, — дейди психолог Саодат Раҳмонова. — Уларда акс этган муносабатлар, ҳаётий вазиятлар ва персонажлар хулқ-атвори болалар, ўсмирлар ва ёш оилалар учун ноаниқ, ҳатто зарарли моделлашган хулқ-атвор намунаси сифатида хизмат қилмоқда. Сериаллар орқали инсон онгига шаклланаётган атроф-муҳитни идрок этиш, баҳолаш ва муносабат билдиришга доир руҳий тайёргарлик — жамиятдаги реал муносабатлар, оилавий қадриятлар ва шахслараро мулоқотга таъсир кўрсат

моқда. Бу жараён социал когнитив назария, медиа таъсир психологияси ҳамда интернализация (яъни ташқи таъсирларни ўзлаштириш) механизмлари орқали амалга ошмоқда. Натижада сериаллар фақат кўнгилолар восита бўлиб қолмасдан, балки 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган томошабин онгига таъсир ўтказётган дунёқараш, урф-одат, ҳатто шахсий қарорларга таъсир қилувчи омилга айланмоқда. Айрим сериалларда хўрланганлик — меъёр, хиёнат — муҳаббат, зўравонлик — адолат сифатида тарғиб этилмоқда. Аслида, сериаллар жамиятнинг тарбиячиси бўлмоғи шарт. Маънавий тарбия ҳар бир кадрда, ҳар бир сўзда, ҳар бир сюжетда устувор бўлиши керак. Чўнки экран ортида бутун бир авлод тарбия топмоқда.

Маънавий эрозия

Албатта, ҳар қандай сериал уйдирма бўлса-да, унинг таъсири ҳақиқат. Алломаларга иборат, халқларга тимсол бўлган ўзбек оиласи ҳануз ер юзидаги баъзи миллиятлар учун маънавий паноҳ эди. Аммо бугун биз уларга таскин эмас, беҳаёликдан сериали сабоқ бера бошладик. Аслрлар мобайнида шаклланган бекторак тимсол бундай таназзул топмаслиги лозим. Пастдарғом тумани “Кичик Найман” МФЙ фаоли Асадулла Йўлдошовнинг фикрича, маънавият — бу миллиятнинг ички тузилмаси, унинг руҳи, ўзагидир. Бу ўзак сўнгги йилларда шиддат билан емирилиб бораётгандек. Бунга сабаблар кўп. Аммо шубҳасиз, замонавий сериаллар улар орасида энг кучли таъсирга эга бўлганларидан биридир. Илгари оилалар ахлоқий тарбияни китобдан, газета ва журналлардан оларди. Энди эса кўплаб ёшлар ва ҳатто ота-оналар ҳам ахлоқ меъёрларини интернет ва сериаллардан ўрганяпти. Сериаллар бугун вақтимизни эмас, бутун бир авлоднинг дунёқарашини ўғирламоқда. Бу ҳолатда ечим маданият, маърифат ва масъулиятда. Сифатли, тарбиявий сериаллар яратиш керак. Масалан, “Лафз”, Имом ал-Бухорий ҳақида ишланган сериаллардек. Оммавий ахборот воситалари жамият онгини шакллантирувчи катта майдон. Бу майдонда миллий ўзликни асрайдиган, инсонни эзгуликка қорлайдиган образлар кўп бўлиши шарт. Маънавиятни экранда химоя қилиш бу фақат ҳукумат ёки санъаткорнинг эмас, балки ҳар бир юртдошимизнинг бурчидир.

Дарҳақиқат, бизга реал ҳаётга яқин, халқ тилида, халқ руҳиятида ёзилган сценарийлар керак. Оила даврасида уялиб эмас, ўрناк олиб томоша қиладиган, тўғри фикрлашга ундайдиган, фарзандларимизни экран қаршисида сидқидилдан ўтқазса оладиган, уларни тўғри йўлга эргаштира оладиган асарлар керак. Чўнки ҳар бир экран асари кўнгилолар эмас, балки кўнгли бунёдкори ҳамдир. Шу ўринда “Ҳаёт жилгалари”, “Жийда гули”, “Опа-сингиллар”, “Мафтун”, “Меҳмонжонлардан айланай” каби сериалларимиз бугунқо оиламизнинг азиз меҳмони бўлса қарши эмасмиз. Яна сериалларнинг “жимлик вақти” ҳақида. Бу “жимлик” соғлом оиладдаги мўътадил сукут эмас, у дарз кета бошлаган муносабатларнинг муздек нафаси. Бу “жимлик” тинчлик эмас, балки айтилмаган дардлар сукунати ортида яширинган ва тўғрили арафасида турган “портлаш” аслида.

Шу ўринда айтadиганимиз: бугун, кеч бўлмасдан, оилангиздаги ўша қадрли ва қимматли бўлган “жимлик вақти”ни бузинг ва умр сериалида ўзингиз бош ролни эгалланг.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
журналист

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиш учун обдуани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақифаланди. Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846.

34930 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусахҳис: Шерзод Маҳмулов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шайхисабз кўчаси, 85-уй